

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
Удк: 657/658.1**

ДЖУРАЕВ САРВАР АНВАРОВИЧ

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИ**

Мутахассислик: 5A230902-«Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар _____ и.ф.д. Туйчиев А.

ТОШКЕНТ-2016

Диссертация Тошкент молия институти «Аудит» кафедрасида
бажарилган.

Илмий рахбар

и.ф.д. А.Туйчиев

Кафедра мудири

и.ф.н., доцент И.Қўзиёв

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент У.Ортиқов

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг назарий асослари	8
1.1. Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида асосий воситаларнинг тутган ўрни	8
1.2. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг мақсади ва вазифалари	17
1-боб бўйича хулоса	21
II боб. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг ҳозирги ҳолати.	23
2.1. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ташкил қилиш ва режалаштириш	23
2.2. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ўтказиш тартиби	34
2.3. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудити натижаларини умумлаштириш тартиби	43
2-боб бўйича хулоса	48
III боб. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини такомиллаштириш	50
3.1. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитида қўлланиладиган усуллар ва уларни такомиллаштириш	50
3.2. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ўтказишда замонавий ахборот технологияларини қўллаш ..	57
3-боб бўйича хулоса	65
Хулоса	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	70
Иловалар	74

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида янги иқтисодий муносабатларни ишлаб чиқиш ва уни амалда кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иқтисодий ислохотларнинг жадал тарзда амалга оширилиши, олдинги ҳукмрон бўлган давлат мулки ўрнига мулкчиликнинг нодавлат шакллари эгаллаши, ўз навбатида мулк эгаларига ҳам эркинлик яратиб бердики, мулк эгалари мулкка эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Давлатнинг ислохотлар дастури қисқа муддат ичида макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлашувига, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ортишига, инфляция даражаси пасайишига, ҳаётий муҳим масалалар турлари бўйича иқтисодий мустақилликка эришишга имкон берди. Макроиқтисодий мувозанатни барқарорлаштириш йўлини изчиллик билан амалга ошириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш, иқтисодий таркибий ўзгаришлар қилиш, реал секторга инвестицияларни киритиш имконини берди.

Бу хусусда Президент И.А.Каримов сўз юритар экан шундай дейди: «Мамлакатимиз иқтисодий таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб

чиқариш объекти қурилишини яқунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди»¹.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, республикамиз иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг катта қисми асосий капитал истеъмолига, корхоналарни техник жиҳатдан замонавий технологиялар асосида қайта қуроллантиришга йўналтирилмоқда.

Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаб бориш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг стратегик вазифаларидир. Фақат шунинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, жаҳон бозорида муваффақиятли рақобатлашиш мумкин.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг тадрижий ривожланиши корхоналарда асосий воситаларни замонавийлаштириш ҳамда технологик жиҳатдан янгилаб боришни тақозо қилади. Бу эса кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини оптимал вариантда ташкил этишга боғлиқдир.

Айнан мана шу ўзгаришлар корхоналарда асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини такомиллаштириш зарурияти юзага келганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида “Асл молия таҳлил” аудиторлик ташкилоти олинди. Тадқиқотнинг предмети бўлиб асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини такомиллаштириш бўйича услубий қоидалар ҳисобланади.

Диссертация ишининг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертация ишининг мақсади асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар

¹ Каримов И. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. 15-бет.

ишлаб чиқишдан иборат. Айнан юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, илмий тадқиқот ишида қуйидаги устувор вазифалар белгилаб қўйилди:

- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг аҳамияти ва зарурлигини тадқиқ қилиш;
- корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида асосий воситаларнинг тутган ўрнига баҳо бериш;
- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг мақсади ва вазифаларини ёритиб бериш;
- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ўтказиш режасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ўтказишда ички назорат тизимини баҳолашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг аҳамияти ва зарурлиги тадқиқ қилинди;
- корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида асосий воситаларнинг тутган ўрнига баҳо берилди;
- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг мақсади ва вазифалари ёритиб берилди;
- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ўтказиш режасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;
- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;
- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ўтказишда ички назорат тизимини баҳолашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари қуйидагилардир:

- Корхоналар хўжалик фаолияти барқарорлигини таъминлашда асосий воситалардан самарали фойдаланиш ўта муҳим;

- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ривожлантиришнинг аҳамияти муҳим эканлигини илмий жиҳатдан асосланиши тадқиқот мавзусининг услубиятини очиб беради;

- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини такомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

- асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини такомиллаштиришда ҳақоро стандартларни қўллаш имкониятларини очиб бериш мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Магистрлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларига бағишланган фармонлари, асарлари ҳамда кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит услубиётига оид меъёрий ҳужжатлари, аудиторлик фаолияти миллий стандартлари, шунингдек, хорижлик ва республикамиз иқтисодчи олимларнинг асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари таҳлили асосида ёритилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот масалалари бўйича шахсий календар иш режаси тузилиб, унга кўра қуйидаги изланишлар олиб борилди:

- тадқиқот учун зарур бўлган усул ва йўналишлар рўйхати тузилди ва ўрганиб чиқилди ҳамда тадқиқот ўтказиш учун танлаб олинди;

- илмий-тадқиқот муаммоси шакллантирилди ва тавсифланди;

- тадқиқот жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган саволлар тузилди;

- тадқиқот долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятга эгаллиги асосланди;

- тадқиқот мавзуси бўйича мавжуд вазиятлар классификацияси ва нуқтаи назарлар қиёсий таҳлил қилинди;

- олинган натижаларни янгилик, объективлик ва шубҳасизлик, ишончлилиқ ва яхлитлик талабларига жавоб бериши текширилди;

- хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар, асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини халқаро талаблар асосида ташкил этилишига имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини такомиллаштириш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида асосий воситаларнинг тутган ўрни

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодийни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирда модернизация жараёнининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Энг аввало, модернизация атамасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодийга оид аксарият луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилади: «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади»². Фикримизча, бу модернизацияга тор маънодаги ёндашув бўлиб, бугунги кунда унинг кенг маънодаги мазмуни тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён. Модернизациянинг кенг маънодаги мазмунини тушунишда иқтисодчи олим Р. Нуреев унинг неоклассик ва кейнсча талқинларини фарқлайди. Жумладан, неоклассиклар томонидан модернизацияга хусусий мулкчилик ва демократияни мустаҳкамлаш сифатида ёндашилса, кейнсчилар томонидан, энг аввало, хўжаликнинг асосий тармоқларини қамраб олувчи таркибий ўзгаришлар сифатида тушунилади. Дастлабки ўринга техник-иқтисодий муаммолар қўйилади. Хўжаликнинг замонавий тармоқларининг

² <http://economic.doco.ru/>.

мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик кучи сифатида қабул қилинади³.

Умуман олганда, модернизация анъанавий жамиятдан индустриаллашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарама-қарши ўларок «замонавий очиқ тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи индустриаллаштириш, секуляриштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади. Бундан кўринадики, модернизация жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

Зеро, миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодиёт турли даражалари ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислоҳотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Бироқ, шу билан бирга ишлаб чиқаришни модернизациялаш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим.

³ Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - <http://www.soob.ru/n/2005/10/c/6>.

Шу ўринда модернизациялаш жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини модернизациялаш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзолари дунёқараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ва туб ислохот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда модернизациялаш жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Айниқса, мазкур йўналишлар орасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш муҳим ўрин тутди (1-чизма).

Ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари⁴



1-чизма. Ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари.

⁴ Манба: Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар қаторида муносиб ўрин эгаллаш, миллий маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорларидаги рақобатдошлигини таъминлаш, шу асосда экспорт ҳажмини сезиларли даражада ошириш мавжуд соҳа ва тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида модернизациялашни тақозо этади. Айни пайтда, жаҳон бозоридаги эҳтиёж ва талабнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётимиз таркибий тузилмасини такомиллаштириб бориш, бу мақсадда янги, замонавий тармоқларни барпо этиш ва жадал ривожлантириш лозим бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмолчиларга кенг халқ истеъмоли молларини етказиб бериш асосий ўринни эгаллайди. Ушбу жараён, республикамиз иқтисодий сиёсатининг бош талабларидан бири сифатида қарор топмоқда.

Зеро, қайта ишловчи тармоқларнинг, умуман, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг замонавий техника ва технологиялар билан тубдан қайта куроллантирилиши кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқлар саноатини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар хилини кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратади. Хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган техника ва технологиялар уларнинг асосий капиталини ташкил этади. Асосий капиталнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ўсиши, такомиллашиб бориши ишлаб чиқаришнинг юксак техника даражасини таъминлайди ва шу асосда самарадорлик даражасини оширади.

Миллий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан асосий капиталнинг миқдорий ўсишига эмас, балки ундан олинадиган самарани оширишга, яъни асосий капиталнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга боғлиқдир.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида асосий капиталнинг

мулк таркибида давлат мулкининг улуши камайиб, бошқа мулкчилик шакллари, шу жумладан, хусусий мулкнинг улуши орта боради. Хусусий мулкнинг улуши кўпайиб бориши Республика иқтисодиётида мол-мулкдан фойдаланиш даражаси ортиб бораётганлигидан далолат бериб, мулкка бўлган муносабатнинг янада яхшиланишига имкон яратади ва бу хусусий мулкка маблағларни жалб қилиш миқдорини оширади. Хусусий мулк улушининг ортиб бориши мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида ўз ифодасини топади.

Киритилаётган инвестицияларнинг асосий капиталга тегишли қисмининг таркибий жиҳатдан ўзгариши, аввало, корхона фаолиятига ўз таъсирини ўтказади. Хўжалик юритувчи субъектда асосий капитал бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан асосий воситалар сифатида талқин этилади. Маблағларнинг ушбу тури хўжалик юритувчи субъект фаолияти давомийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Асосий воситалардан унумли ва самарали фойдаланишда хўжалик юритувчи субъектда, энг аввало, уларнинг ҳисобда акс эттирилишига муҳим эътибор қаратилади.

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектда содир бўладиган муомалаларни ҳисобга олиш ва назорат қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг қарор топтирилиши, кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келтирилиши барча жабҳада бўлгани каби, бухгалтерия ҳисоби борасида ҳам улкан ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган иқтисодиёт шароитида шаклланган корхона, ташкилот ва муассасалардаги бухгалтерия ҳисобини юритиш тизими жаҳон иқтисодий тизимига дадил кириб бораётган мамлакатимиз учун замонавий талабларга жавоб бера олмай қолди. Кейинги йиллар мобайнида халқаро стандартларга тўла-тўқис жавоб берувчи бухгалтерия ҳисоби тизимини яратиш борасида кўпгина ислохотлар олиб борилмоқда.

Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим унсурларидан бири бўлиб бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш ҳисобланади. Ҳар қандай иқтисодий тизим, у маъмурий-бўйруқбозлик ёки бозор иқтисодиёти тизими бўлишидан қатъий назар, иқтисодий қарорлар қабул қилишда тегишли ахборот таъминоти тизимига муҳтож бўлади. Бундай иқтисодий ахборотни тўплаш ва умумлаштиришнинг энг муҳим воситаси бухгалтерия ҳисоби бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби турли иқтисодий тизимларда турлича вазифаларни бажаради ва турли мақсадларни кўзда тутаяди, шу боисдан ҳам бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтишда бухгалтерия ҳисоби тизими ҳам шунга мувофиқ тарзда ислоҳ қилиниши лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда асосий воситаларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Асосий воситалар корxonанинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта роль ўйнайди, чунки улар барча корхона таянадиган ва корxonанинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб-чиқариш техника базасини ташкил этади.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМАнинг 7-бандига асосан, **асосий воситалар** узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Асосий воситалар бажарадиган вазифасига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари бевосита моддий неъматларни яратишда иштирок этадиган воситаларидир. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари гуруҳига уй-жой ҳамда коммунал-хўжалик, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларнинг асосий воситалари киритилади.

Асосий воситаларнинг бундай гуруҳланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, эскирган воситаларни алмаштириш, кераксиз

асосий воситаларни бошқа корхонага бериш ёки сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек уларнинг эскиришини тўғри ҳисоб-китоб қилиш учун зарур.

Асосий воситалар натурал-моддий таркибига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:



2-чизма. Асосий воситаларнинг натурал-моддий таркибига кўра туркуми⁵.

Ер амалдаги қонунчиликка биноан корхонага мулк тарзида берилган ер майдонидир. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасига биноан, «юридик шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин». Ернинг қийматига уни харид қилишда кўчмас мулк агентликларига тўланадиган комиссия тўловлар, адвокатлик хизмати учун

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳақ, харид қилишдаги солиқ тўловлари, дренаж қиймати, ерни тозалаш ва бошқа харажатлар қўшилади.

Ерни ободонлаштириш бўйича капитал сарфлар таркибига ернинг унумдорлигини ошириш, автомобиль ва бошқа транспорт турларига тўхташ жойларини барпо этиш ҳамда шунга ўхшаш бошқа харажатлар киради.

Иморатлар ҳамда биноларга ишлаб чиқариш корпуслари, цехлар, устахоналар, бошқарма бинолари, омборхоналар, турар-жой бинолари ва бошқа ишлаб чиқариш, маъмурий-хўжалик ва ижтимоий-маиший мақсадлардаги объектлар, шунингдек улардан тўғри фойдаланиш учун зарур бўлган жами коммуникация воситалари (иситиш, ёритиш, шамоллатиш, сув-газ таъминоти тизими, ички телефон ва сигнализация воситалари, лифт хўжалиги) киради.

Иншоотларга меҳнат жараёни ва унинг натижаларини ўзгартирмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларининг техникавий ёки умумий вазифаларини бажаришга хизмат қиладиган объектлар (нефть ва газ кудуқлари, шахта йўллари, автомобиль йўллари, кўприклар, эстакадалар, сув омборлари ва бошқалар) киради.

Узатувчи мосламаларга машина-двигателдан иш машиналарига электр, иссиқлик, механик энергияни узатишга, шунингдек суюқ ва газсимон моддаларни бир объектдан бошқа объектга етказиб беришга хизмат қиладиган қурилмалар (электр узатиш йўллари, қувур йўллари, иссиқлик ва газ тармоғи ҳамда бошқалар) киради.

Машина ва жиҳозлар асосий воситаларнинг энг асосий тури ҳисобланади ва ўз навбатида қуйидаги гуруҳлардан таркиб топади:

- ◆ куч машина ва жиҳозлари электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарадиган ёки уни механик ҳаракат энергиясига айлантириб берадиган генератор-машиналар, двигатель машиналар (қозонхоналар, буғ двигателлари, турбиналар, куч трансформаторлари ва бошқалар)дир;

- ◆ иш машиналари ва жиҳозлари меҳнат предметларига механик, термик, кимёвий ёки бошқа йўсинда технологик ишлов беришга, уларни

ишлаб чиқариш жараёнида кўзгатиш, қазиб олиш, эритиш, тайёрлашга хизмат қиладиган қурилмалар (станоклар, аппаратлар, агрегатлар)дир;

◆ ўлчов ва ростлаш асбоблари ҳамда қурилмалари ва лаборатория жиҳозлари фойдаланиладиган техника ишидаги турли параметр (кўрсаткич)ларни ўлчаш, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, хом-ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар сифатини текшириш, намлик даражаси, шовқин таъсири ва бошқаларни ўлчашда ишлатилади. Уларга манометрлар, тарозилар, микроскоплар, диспетчерлик назорати ва бошқалар киради;

◆ ҳисоблаш техникаси маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналарида қайта ишлайдиган воситалардир. Уларга компьютерлар, принтерлар ва бошқа компьютер воситалари киради;

◆ бошқа машина ва жиҳозларга юқорида санаб ўтилмаган машина ва жиҳозлар (ўт ўчириш ва бошқа махсус машиналар) киради.

Транспорт воситалари кишилар ҳамда юк ва турли мақсадлардаги нарсаларни ташишга мўлжалланган ҳаракат воситалари (темир йўл, сув, автомобиль, коммунал транспорти ва муҳим нефть қувур йўллари)дир.

Асбоб ва ускуналар қўл меҳнати жараёнида ишлатиладиган ёки иш қисмларини кучайтириш, ошириш учун машинага бириктириладиган воситалар (электродреллар, вибраторлар)дир.

Ишлаб чиқариш инвентарлари ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштиришда ишлатилади. Уларнинг таркибига бак, контейнер, инвентарь идишлари киради.

Хўжалик инвентари идора (офис) ишларини ва хўжаликни юритишда зарур бўлган меҳнат воситаларидир.

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор чорва ҳар бир етилган мол (от, хўкиз, сигир)лар бўлиб, алоҳида инвентарь объекти сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Кўп йиллик дарахтлар алоҳида хиёбон, парк, боғдаги миқдори ва ёшидан қатъий назар экилган дарахтлар гуруҳидир.

1.2. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг мақсади ва вазифалари

Кўп укладли иқтисодиёт шароитида мулкчилик тузилмаси ўзгарди ва энди давлат хўжалик юритувчи субъект фаолиятдан манфаатдор бўлган фойдаланувчилар ва мулк эгаларидан бирига айланди, зеро бу фойдаланувчи ва мулкдор хўжалик юритувчи субъектга ўз маблағини қўйган. Хўжалик юритувчи субъектнинг бу ўз навбатида, ўзини рақобатбардош корхонага айланишида ёрдам берадиган ва зарур молиявий натижаларга эришишида қўл келадиган бошқарув қарорларини излаш ва қабул қилишини тоқазо этади. Бу борада хўжалик юритувчи субъект бозор конъюнктурасини ўрганadi, ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва бошқа шу каби мақсадларни ўз олдига қўяди. Бу мақсадларга эришиш учун кўпдан-кўп манфаатдор томонлар билан иқтисодий алоқага киришади. Бу жараёнда аудит манфаатдор томонлар учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Асосий воситалар аудитининг бош мақсади – корхона эгалигида бўлган, корхона фаолиятида бир йилдан ортиқ фойдаланиладиган ва қайта сотиш учун мўлжалланмаган моддий ва номоддий активлар ҳаракати ва улар бўйича амортизация ажратмалари тўғри ҳисобланганига ва баланс, ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда БҲМС талабларига мос акс эттирилганига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

Асосий воситалар бўйича аудит текширувини ўтказиш жараёнида аудиторнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Асосий воситалар ҳаракати ва улар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблашга нисбатан самарали ички назорат тизимининг ташкил этилганлигини текшириш ва унинг сифатини баҳолаш;

2. Бухгалтерия тизими маълумотлари ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилган асосий воситалар ва ҳақиқатдан ҳам мавжуд ва улар бўйича ҳисоблашишлар ҳақиқатдан ҳам рўй берганлигига ишонч ҳосил қилиш;

3. Асосий воситаларнинг барчаси тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш;

4. Асосий воситалар ҳаракати ва улар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблашда арифметик амаллар тўғри бажарилганлигини ўрганиш;

5. Баланс ҳисоботида асосий воситалар ҳақиқий қийматида акс эттирилганлигини баҳолаш;

6. Баланс ҳисоботида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғри гуруҳлаштирилганлигига ва агар зарурат бўлса, улар бўйича зарурий қўшимча маълумотлар иловаларда тўлиқ ва тўғри келтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш.

Асосий воситалар аудитининг асосий вазифаларига мувофиқ текширувни етти йўналишга ажратиш мумкин:

- 1) асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишининг аудити;
- 2) асосий воситалар ҳаракатининг аудити;
- 3) асосий воситалар бўйича эскириш тўғри ҳисобланганлигининг аудити;
- 4) асосий воситалар қабул қилиниши бўйича операцияларни текшириш;
- 5) асосий воситалар тугатилиши тўғри ҳисобга олинганлигини текшириш;
- 6) асосий воситаларни таъмирлаш бўйича харажатлар асосланганлигини текшириш;
- 7) асосий воситаларга оид операциялар тўғри солиққа тортилганлигини текшириш.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш асосий воситалар юзасидан аудит далилларига асосланади. Асосий воситаларни аудит қилиш вақтида фойдаланиладиган аудит далиллари корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатиغا боғлиқдир. Булар журнал-ордерли, мемориал-ордерли, соддалаштирилган, компьютерда ишлов учун йўналтирилган, шунингдек, қўлланиладиган регистрлар рўйхати, уларнинг тузилиши, улардаги ёзувлар мунтазамлиги ва ёзув усуллари билан белгиланади. Лекин, асосий воситалар бўйича операцияларни ҳисобга олиш юзасидан қандай шакл қўлланишига

карамасдан улар дастлабки ҳисоб ҳужжатлари қуйидаги умумлаштирилган идоралараро шаклларида расмийлаштириши лозимлигини унутмаслик керак:

-АВ-1 шакли - асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (юк хати);

-АВ-3 шакли - таъмирланган, қайтадан тикланган ва замонавийлаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси;

-АВ-4 - асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси;

-АВ-4а - автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси;

-АВ-6 - асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича инвентар варақаси ва бошқалар.

Асосий воситаларнинг аудити қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

1. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. 1996 йил 30 августда тасдиқланган.

2. Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. Янги таҳрирда 2000 йил 26 майда 78-11-сон билан тасдиқланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги Низом" (ўзгартиришлар билан).

4. "Инвентаризация вақтида аниқланган мол-мулкнинг камомоди ва ортиқчасини бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби ҳақидаги Низом". 2001 йил 20 июнда 56/2001-38-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган. 2001 йил 23 июлда 1054-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

5. "Балансдаги асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тартиби ҳақида Низом". 2001 йил 28 февралда 26-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

5. Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи.

7. 1-сонли "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС). 1998 йил 26 июлда 474-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 1998 йил 14 августда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. 1-сонли "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" Ўзбекистон Республикаси БҲМС сига изоҳлар.

8. 5-сонли "Асосий воситалар" Ўзбекистон Республикаси БҲМС. 2003 йил 09 октябрда 114-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2004 йил 20 январда 1299-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

9. "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш ҳақида йўриқнома" 21-сонли БҲМС. 2002 йил 9 сентябрда 103-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

10. "Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш" Ўзбекистон Республикаси 19-сонли БҲМСси. 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19- 2075-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

11. "Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосаси" 70-сонли Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС). 2001 йил 14 февралда 20-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2001 йил 10 мартда 1016-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

12. "Маълумотларни компьютерда қайта ишлаш шароитида аудит" Ўзбекистон Республикаси 11-сонли АФМС. 1999 йил 91 сентябрда 76-сон

билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 1999 йил 23 сентябрда 823-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

Асосий воситалар ва улар бўйича эскиришнинг синтетик ҳисоби 13, 10, 10/1-сонли журнал-ордерларда олиб борилади, маълумотларни компьютерлаштирилган технологияси қўлланилганда эса - "Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счетлар", "Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счетлар" счетлари бўйича дебет ва кредит айланмаларнинг машинограммаларида; Бош китобда; бухгалтерия балансида (1-сонли шакл); "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"да (2-сонли шакл) олиб борилади.

1-боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 1-бобида асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг назарий асослари ёритиб берилди, жумладан асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг мақсади ва вазифалари, текширишнинг маълумот манбалари кўрсатиб берилди.

Мулкчиликнинг турли шаклларида асосланган иқтисодиёт тармоқларининг турли бўғинларидаги ўз тармоғи доирасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни, жумладан, асосий воситалар ҳисоби ва аудитини ташкил қилиш ва ривожлантириш масалалари бўлиб, ушбу масала бўйича сезиларли даражада илмий амалий ишлар олиб борилди. Шунга қармасдан бу борада айрим такомиллаштирилмаган масалалар мавжуд бўлиб, мол-мулк ҳисоби ва аудитини ислоҳ қилиш авваламбор, Республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга, қонунчиликка асосланиши ҳамда халқаро стандартлар талаби даражасида ташкил этилиши зарурати келиб чиқади. Шундай экан, асосий воситалар ҳаракати аудитини такомиллаштириш ҳам халқаро стандартлар талаблари даражасида амалга ошиши лозим.

II БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ташкил қилиш ва режалаштириш

Бозор муносабатларини қарор топтиришда ўзига хос йўлни танлаб олиб, жадал суръатлар билан дадил одимлар экан, ўз-ўзидан маълумки бозор инфратузилмасининг унсурлари, авваламбор, аудиторлик фирмалари фаолияти ўзимизга хос, миллий стандарт асосида йўлга қўйилиши зарурияти туғилади. Шу билан биргаликда бозор муносабатларини жадаллаштиришда республикамизнинг жаҳон бозорига чуқурроқ интеграциялашуви иқтисодий ислохотларни ривожлантиришни, иқтисодий муносабатларни янада кенгрок амалга ошириш учун аудиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мослаштиришни ҳам тақозо қилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин илгариги иқтисодий тизим ўрнига жаҳон стандартларига мос демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш модели танлаб олинди. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ислохотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, давлат мулкига асосланган мулкчилик шаклини ислох қилиш ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт негизини яратиш масаласи устувор йўналиш сифатида қабул қилинди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданок биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик – зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислохотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислохотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайдим»⁶.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995. 269 б.29-бет.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида асосий масала иқтисодиётни тубдан, янги асосда ислоҳ қилиш деб белгиланди. Президентимиз таъкидлаганидек, «Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида биз ҳуқуқий асосларини яратишда ўзимизга хос ёндошувларни: қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ўз механизмимизни вужудга келтирдик»⁷.

Ҳукуматимизнинг республикамызда бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шароитлари, тегишли қонун ва қарорлар асосида кўп укладли иқтисодиётни ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтириш, деб белгиланганлиги сабабли, бозор инфратузилмасининг асосларини яратишда айнан қонуний негизларга таянилди. Бозор инфратузилмасини шакллантиришда аудиторлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аудитнинг республикамызда вужудга келиши ҳамда кенг тарқалиши сабаб, аввало турли хил мулкчиликка асосланган ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шакллари турлича бўлган корхоналарнинг вужудга келишидир. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида ҳар бир мулкдор, ҳар бир инвестор ўз маблағларининг қай ҳолатда эканлигини ва маблағларидан қанчалик даромад топаётганлигини аниқлаш мақсадида аудиторнинг хизматига муҳтожлик сезади. Шу боисдан бўлса керак, аудиторлик фаолияти бозор иқтисодиётининг энг муҳим асосий қисмларидан биридир.

Иқтисодчи олим З.Маматовнинг фикрича, аудитнинг асосий мақсади, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ҳаққонийлигини тасдиқлашдан иборат. Унинг асосий вазифаси инвесторларга хатар даражасини анча камайтиришга ва шу асосда энг тўғри қарор қабул қилишга имкон беради⁸.

В.И.Подольский, Г.Б.Поляк, А.А.Савин ва бошқаларнинг фикрича, аудит – бухгалтерия ҳисоби ҳолати, молиявий ҳисобот ва бухгалтерия

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995. 269 б.

⁸ Маматов З. Ўзбекистонда аудитни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. //Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2005. № 2. 33-36 бетлар. 33-бет.

балансининг мустақил экспертизасидир⁹.

Асосий воситалардан фойдаланиш харажатларини аудит қилишни ташкил қилишда қуйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ◆ Асосий воситаларнинг киримини текшириш;
- ◆ Асосий воситаларни ҳужжатлаштиришни текшириш;
- ◆ Асосий воситаларга амортизация ҳисобланишини текшириш;
- ◆ Асосий воситалар бўйича жадалаштирилган амортизациянинг қўлланилишини текшириш;
- ◆ Асосий воситаларни таъмирлашни ва сметаларнинг ҳақиқийлиги ҳамда тўғрилигини текшириш;
- ◆ Асосий воситаларнинг чиқим қилинишининг мақсадга мувофиқ эканлигини текшириш;
- ◆ Асосий воситаларнинг ижарасини, ижара тўловларининг келиб тушишини текшириш;
- ◆ Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши бўйича молиявий натижаларнинг тўғри аниқланганлигини текшириш;
- ◆ Корхонада инвентаризация ўтказилиш тартибини ҳамда инвентаризация натижаларини текшириш.

Бугунги кунда корхоналарда яхлит миллий ахборот тизимлари шаклланмоқда, бу билан улар фақат хизмат кўрсатишгина эмас, балки сармоялар, товарлар ва хизматларга йўналиш бериш ва фаоллаштириш учун ҳам қўл келмоқда. Давлатнинг хўжалик соҳасидаги тадбирларининг самарадорлиги, акциядорлик жамиятларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши, бозор муносабатларининг кенгайиши ва маркетинг хизматининг мустақамланиши кўп жиҳатдан «иқтисодий коммуникация» жараёнларини ташкил қилиш даражасига боғлиқ.

⁹ Подольский В.И., Поляк Г.Б., Савин А.А. и др. Аудит. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. -655 с. 19-бет.

Ишлаб чиқариш зарур ҳолларда тегишли бўлимлари операцияларини ўтказишнинг ташқи шартларини, яъни умумий иқтисодий вазият бозорнинг фирмавий тузилмалари, солиқ талабномалари, ташқи молиялашнинг етиб келиши, фойдали инвестицияларнинг йўналишлари асосий муомала сармояси манбалари ҳамда нархлари, ишчи кучи ёллаш имкони етарли ва ҳоказони камровчи кенг маълумот доирасини ўз тассарруфига олиши мумкин.

Корхоналарда асосий воситалардан ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни аудитини ташкил этиш, режалаштириш ва сифатли аудиторлик хизматидан фойдаланиш учун аудиторлик фирмалари фаолияти ва аудиторлар малакасини аниқлашда ва уларни танлашда юқоридаги таклифлардан фойдаланиш ижобий натижаларга эришишга олиб келади.

Аудитор томонидан текширув стратегиясини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Аудиторлик текшируви одатда ҳар доим муайян муддат билан чегараланган бўлади. Ана шу текширувлар туфайли йирик ва ўрта корхоналарда аудитор текшируви ҳар доим ҳам муваффақиятли чиқавермайди.

Шу боис, аудитор ҳар бир иқтисодий субъектнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда текширув стратегиясини аниқлаб олиши зарур. У қуйидагиларни ўз ичига олади.

Мижоз фаолияти ҳақида тўпланган ахборотни кўриб чиқиш;

Ички назорат таваккалчилиги ва самарадорлигига дастлабки баҳо бериш;

Алоҳида операциялар гуруҳлари текширувининг моҳияти ва давомийлигини аниқлашдан иборат.

Аудитор текширув стратегияси аудитор томонидан ёзма шаклда тузиладиган режа кўринишига эга бўлиши керак. Бунга қуйидагилар киради:

- зарурий тестлар ҳажми ва турини олдиндан аниқлаш;
- уларни ўтказиш бўйича харажатларни баҳолаш;
- текширув бошлангунича барча асосий масалалар бўйича миждоз билан ўзаро келишиш;

- мазкур миждоа аудитни бажариш ва унинг сифатини асослайдиган далилларга эга бўлиш;
- миждо бизнесси ҳақида ахборот олиш (фаолият тури, тузилиши ва алоқаси, сиёсати, ҳуқуқий ҳолатлари).

Бизнингча, аудитор текширув стратегияси бу текширув мақсадига эришишнинг энг оқилона йўллариини танлашга асосланган ва аудитор тажрибаси, малакасига, аудитор ташкилоти ва миждо ҳамкорлигининг узок муддатлилигига, яъни миждо билим даражасига, аудитда ечиладиган масалалар моҳиятига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бу масалаларни ечишда хорижий тажрибалар ва бошқа элементларнинг амалиётга тадбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Айниқса, аудиторлар фаолиятини тендер қилиш ва уларни баҳолаш туфайли сифатли кафолатланган аудит-консалтинг хизматига эришишга имконият яратади.

Асосий воситаларни аудит қилишдан олдин аудит дастури тузилади. Аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик русум-қоидалари мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ёрдамчилари учун батафсил йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади.

Аудитор аудит дастурини ҳужжатли расмийлаштириши, ҳар бир бажариладиган аудиторлик русум-қоидасини рақам ёки код билан белгилаши керак, токи аудитор иш жараёнида ўзининг иш ҳужжатларида уларга ҳавола қилиш имкониятига эга бўлсин.

Мазмунига кўра аудиторлик таомиллари ўз ичига бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақлар бўйича айланмалар ва қолдиқ тўғри акс этирилганлигини батафсил текширишни олади. Аудиторлик таомиллари дастури ана шундай аниқ батафсил текширишлар учун аудитор ҳаракатлари рўйхатидан иборат бўлади. Моҳиятига кўра таомиллар учун аудитор

бухгалтерия ҳисобининг айна қандай бўлимларини текширишини белгилаши ва бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир бўлими бўйича аудит дастурини тузиши керак бўлади.

1-жадвал

АУДИТ ДАСТУРИ¹⁰

Текширилаётган ташкилот	<u>Тошкентдонмахсулотлари ОАЖ</u>
Аудитни ўтказиш даври	<u>15.03.16-20.03.16</u>
Киши-соатлар сони	38 к/с
Аудиторлик гуруҳи раҳбари	Ҳақимов С.
Аудиторлик гуруҳи таркиби	Ҳалилов Т., Ҳақимов С.
Режалаштирилаётган аудиторлик rischi	6%
Режалаштирилаётган муҳимлик даражаси	4%

N	Аудит бўлимлари бўйича аудиторлик тадбирлари рўйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изоҳлар
1.	Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари ҳисобида хужжатлар ва уларни расмийлаштиришни текшириш	15.03.16	Ҳақимов С.	13-журнал-ордер	
2.	Асосий воситалар фойдаланиш харажатлари ҳисобини текшириш	15.03.16	Ҳалилов Т.	13-журнал-ордер, 3-шакл	
3.	Асосий воситаларга ҳисобланган амортизация ва уларни ҳисобда тўғри акс эттирилишини текшириш	16.03.16	Ҳақимов С.	13-журнал-ордер, 3-шакл	
4.	Асосий воситаларни таъмирлаш ва улар бўйича харажатларни текшириш	16.03.16	Ҳалилов Т.	13-журнал-ордер, смета	

Унинг номидан аудиторлик хулосаларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилоти раҳбари: Яманкулов Т.

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Ҳақимов С.

Аудитни ўтказиш шартлари ва аудиторлик таомиллари натижаларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда аудит дастури қайта кўриб чиқилиши мумкин. Ўзгаришларнинг сабаблари ва натижалари хужжатлаштирилиши керак.

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аудиторлик дастурининг ҳар бир бўлими бўйича аудиторнинг иш ҳужжатларида расман акс эттирилган хулосалари аудиторлик ҳисоботи (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос материали, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторнинг холис фикрини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, асосий воситалар аудитини ўтказиётганда аудиторлар аудиторлик текширувини ўтказишнинг мана шу тартибдаги дастурини тузиш лозим, деб қилаймиз. Агарда бу тартиб миллий аудиторлик ташкилотларида кенг қўлланилса, аудиторлик текширувини ўтказишнинг кам харажатли, кам вақт сарфлайдиган, шу билан бирга илмий асосланган аниқ режасини тузишга имкон яратилишига замин тайёрланади.

Асосий воситалардан ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни аудитини ўтказиш мобайнида ички назоратининг ҳолати ўрганилиб, баҳоланади. Хўжалик юритувчи субъект ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;

- аудиторлик текшируви мобайнида аниқланган ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий номувофиқликлари баёни.¹¹

Аудитор асосий воситалар ҳисоби бўйича ички назорат тизимининг ишончлилигини ва текшириш ўтказишда унга таяниш мумкинлиги ҳақида асосли қарор қабул қилиш учун бу тизимни ўрганади. Назорат тизимининг ишончлилиги, унинг ҳисоб юритишда муайян шахслар қасддан қилиши мумкин бўлган, шунингдек тасодифий йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш ва аниқлаш лаёқатидан иборат.

Мижоз корхона раҳбариятининг назоратга муносабати назорат

¹¹«Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси» 70-сон АФМСнинг 10-банди

муҳитига энг катта таъсир кўрсатади. Бошқарувнинг юқори поғонаси хизматчиларнинг назоратга муносабатини белгилайди. Бошқарув муҳити юқори даражадаги ички коммуникация тизимини таъминлайдиган, Кузатув Кенгаши ҳузуридаги аудит фаолиятининг самарали ишлашига ёрдам берадиган, бюджетлар тизими яъни бизнес-режа ёки смета ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлардан фойдаланадиган, ички аудитнинг самарадорлигини таъминлайдиган бошқарув тизими билан тавсифланади. Назорат муҳити корхона ходимларининг компетентлиги, хизмат вазифаларининг тақсимланиши, активлар, ҳужжатларни олиш имкони ва ҳисоб ёзувларини вақти-вақти билан таққослаб туриш билан аниқланади. Назорат функцияларини амалга оширувчи ходимлар компетентлиги корхона ички назорат тизимининг асосий белгиси ҳисобланади. Корхонанинг кадрлар билан боғлиқ муаммолари ички назорат тизимига салбий таъсир кўрсатади. Агар бухгалтерлар тез-тез алмаштириб турилса, бу ҳисоб ва назорат функциялари етарли тажрибага эга бўлмаган ва бунинг оқибатида кўплаб хатоларга йўл қўядиган мутахассислар томонидан бажарилишига олиб келади. Янги раҳбарлар ва мансабдор шахслар корхонадаги ҳисоб тизими билан етарли даражада таниш бўлмаслиги мумкин. Айрим ҳолларда бухгалтерия ходимлари юқори бошқарув бўғини томонидан топширилган ноқонуний ҳисоб амалларини бажаришни хоҳламаганликлари учун ҳам ишдан бўшаб кетадилар. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ходимларининг тез-тез алмаштирилиб туриши салбий ҳолат деб баҳоланади.

Ички назорат тизими самарали бўлиши учун функционал масъулиятлар ёки хизмат вазифаларининг етарли даражада тақсимланиши жуда муҳимдир. Назорат амаллари самарадорлиги 3– чизмада баён этилган.

Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини умумий ўрганиш натижалари бўйича ички назорат тизимига таяниши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилса, бу ҳолда у ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолашни амалга оширади.

Аудиторлик ташкилоти ички назорат тизими ҳолатини аниқлаш натижалари бўйича ушбу тизимнинг ишончлилигини тасдиқлаши лозим. Ички назорат тизимини баҳолашнинг ишончлилигини тасдиқлашда аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти миллий стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган усуллар ёрдамида унинг ишончлилигини тасдиқлайди.



3- чизма. Назорат амаллари самарадорлигини белгиловчи мезонлар¹².

Аудитор асосий воситалар ҳисобига доир муомалаларни тек-ширишни бошлашдан олдин ички назоратнинг аҳолини тест усу-лида аниқлаши

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мақсадга мувофиқдир. Бу нафақат ички назорат тизимининг ишончилигини баҳолаш, балки аудиторлик текшируви ўтказиш дастурига тузатиш киритишга ҳам имкон яратади.

2-жадвал

Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари ҳисобини текшириш бўйича ички назорат тизимининг аҳволини аниқлаш тести¹³

№	Тест саволининг мазмуни	Жавоблар		
		Ҳа	Йўқ	Эслатма
1.	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича комиссия тузиш тўғрисида буйруқ борлиги?	√		
2.	Ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруқда асосий воситаларни инвентаризация қилиш усуллари ва муддатлари кўрсатилганми?		√	
3.	Инвентаризация белгиланган муддатларда ўтказилганми?		√	
4.	Асосий воситалар охири марта қачон инвентаризация қилинган?	√		2 йил олдин
5.	Инвентаризация натижалари ҳисобда акс эттирилганми?			Сўнги 2 й. да инв-я ўтказилмаган
6.	Асосий воситаларни сақлаш ва ишлатиш жойлари ҳисоб регистрида акс эттирилганми?	√		
7.	Асосий воситаларнинг фойдаланиш жойларида сақланиши учун масъул шахсларни тайинлаш тўғрисида буйруқлар борлиги?	√		
8.	Асосий воситаларни сақлаш учун масъул шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилганми?		√	
9.	Корхонада асосий воситалар ҳисобига доир дастлабки ҳужжатларнинг унификацияланган шакллари қўлланиладими?	√		Тўлиқ эмас
10.	Асосий воситалар ҳисоби бўйича ҳужжатлар айланиш режа-графи тузилганми?		√	
11.	Бош бухгалтер томонидан ҳужжатлар айланиш режа-графикга риоя қилиш устидан назорат амалга оширилганми?		√	
12.	Асосий воситалар объектлари ёнгин ва бошқа табиий офатлардан суғурта қилинганми?	√		
13.	Асосий воситалар туркумланганми?		√	
14.	Асосий воситалар кодификатори ишлаб чиқилганми?		√	
15.	Инвентарь карточкалар мавжудми ва улар ишлатиладими?		√	
16.	Аналитик ҳисоб маълумотлари синтетик ҳисоб регистрлари билан таққосланганми?	√		Ҳа, фақат баланс тузиш пайтида
17.	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича далолатномалар ва бошқа ҳужжатлар раҳбар томонидан тасдиқланганми?	√		
18.	Корхонада ижарага олинган (оператив молияланадиган лизинг) асосий воситалар мавжудми?		√	
19.	Амортизация ҳисоблаш усули танланганми?		√	Чизиқли усул қўлланилади
20.	Таъмирлаш харажатларини ҳисобга олиш варианты танланганми?		√	Ҳақиқий харажатлар бўйича

¹³ Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003. -318 б.

Ушбу келтирилган тестдан шундай хулоса қилиш мумкинки, текширув ўтказиладиган корхонада ҳисобот даврида инвентаризация ўтказилмаган, ҳисоб сиёсатида айрим объектларни инвентаризация қилиш тартиби ва муддатлари белгиланмаган. Натижада, текширув чоғида асосий воситалар объектларини танлаб инвентаризация қилиш зарур. Мазкур корхона бўлинмаларида асосий воситалар ҳисобига доир муомалалар устидан ички назоратнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида сезиларли хатоларга йўл қўйиш хавфи катта.

Бош дафтарда акс эттирилган 0110-0199, 0211-0299, 0310, 0710, 0720, 0810, 0820, 0840, 0850, 0860, 0890, 0920, 4810, 4820, 4830, 6910, 6920, 7910 синтетик счётлар қолдиқларининг мос равишда аналитик ҳисоб регистрлари ва бухгалтерия баланси маълумотларига мувофиқлигини аниқлаш зарур. Улар барча позициялар бўйича: ой бошига қолдиқ, ойлик оборотлари, ой охирига қолдиқлар бир-бирига тўғри келиши лозим. Агар тафовутлар аниқланса, уларнинг сабабларини аниқлаш ва корхонага асосий воситаларни, монтаж талаб қиладиган қурилмаларни; капитал қўйилмаларни, тузилган лизинг шартномалари бўйича мажбуриятларни инвентаризация қилиш тавсия этилади. Сўнгра корхонанинг асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича қабул қилинган ҳисоб юритиш сиёсати билан танишиш зарур. Бунда асосан қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- * корхонада асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг қайси усулини қўллаш қабул қилинганлиги;

- * корхонада асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини ҳисобга олишнинг қандай тартиби қабул қилинганлиги, асосий воситаларни таъмирлаш учун резервга маблағ ажратиш механизмидан фойдаланиб, яъни таъмирлаш фонди (8910-счёт бўйича «Таъмирлаш фонди» счётини қўллаш) ташкил этиш ёки ташкил этмаслик.

Корхонада қабул қилинган ҳисоб юритиш сиёсати аудитор хулосасида акс эттирилиши лозим.

Аудит ўтказиш кетма-кетлигининг баёни¹⁴

№	Текширув босқичлари
1.	Инвентар рўйхат (АВ-7 шакл) (ёки дафтар)даги барча объектлар дастлабки қиймат суммаларини баланснинг 012 сатри билан (йил бошига ва охирига) ва ҳисобланган эскириш суммасини 011 сатри билан (йил боши ва охирига) солиштириш.
2.	Амортизация ҳисоблаш усулининг тўғри танланиши, коэффициентлар ва ҳисоб-китоблар тўғрилигини текшириш; асосий воситаларнинг қайта баҳоланишини текшириш.
3.	«Асосий воситалар инвентар рўйхати» (АВ-7 шакл) (ёки дафтари) ва «Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари (АВ-1, АВ-2 шакллар)да акс эттирилган суммалар тенглигини солиштириш йўли билан текшириш.
4.	«Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатнома» ларининг (АВ-1, АВ-2) тўғри расмийлаштирилишини текшириш.
5.	«Асосий воситаларни ҳисобга оладиган инвентар карточкалар» (АВ-6 ва б.)да акс эттирилган инвентар қийматга тенглигини текшириш.
6.	Асосий воситалар картотекасини юритиш ва инвентар карточкалар тўлгазилишининг тўғрилигини текшириш.
7.	Тугатилган (ҳисобдан чиқарилган) асосий воситанинг «Асосий воситалар инвентар рўйхати» (АВ-7 шакл) (ёки дафтари)да акс эттирилган қиймати ва «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномалари» (АВ-3, АВ-4 шакллар) да акс эттирилган қиймати тенглигини текшириш.
8.	«Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномалари» (АВ-3, АВ-4 ва б.) тўғри расмийлаштирилишини текшириш.
9.	Текширув учун танланган асосий воситалар гуруҳи (туркуми) бўйича суммаларнинг «асосий воситалар инвентар рўйхати» (АВ-7 шакл) (ёки дафтари)дан 0110-0190 счетлар бўйича обо-рот ведомостига ўтказилишининг тўғрилигини текшириш.
10.	0110-0199 счетлар бўйича ҳисобот даври охирига чиқарилган қолдиқлар тўғрилигини текшириш. 0110-0199 счетлар бўйича тегишли ҳисобот даври охирига чиқарилган қолдиқларнинг, оборот ведомостлардаги айнан шу ҳисобот даври охирига чиқарилган қолдиқларга мослигини текшириш.
11.	№13-АСК Журнал-ордер «ҳаммаси» деган сатридаги 0110-0199 счетларнинг кредит оборотларини тегишли ҳисобот даври учун оборот ведомостларидаги айнан шу счетлар бўйича кредит оборотлари билан солиштириш.
12.	№13-АСК Журнал-ордерининг «ҳаммаси» деган сатридаги сумма ва 0110-0199 счетларнинг кредити бўйича ёзувлар ёзиладиган томонидаги 1-27 сатрлар суммалар тенглигини текшириш. №13 – АСК журнал-ордернинг 0210-0299 счетлар кредити бўйича ёзувлар ёзиладиган қисмидаги «ҳаммаси» деган сатр суммаси ва 1-6 сатрлар суммалари тенглигини текшириш.
13.	Тегишли ой бўйича: Бош дафтарнинг 18 графасидаги сумманинг №13-Журнал-ордердаги 0110-0199 счетлар кредити бўйича «ҳаммаси» деган ёзувга тенглигини текшириш.
14.	0110-0199 счетлар бўйича дебет оборотларини жамлашнинг тўғрилигини текшириш.
15.	Бош дафтарнинг: 19-графасидаги 0110-0199 счетлар бўйича дебет қолдиқларнинг Баланс 012 сатридаги суммага; 20-гра-фасидаги 0210-0299 счетлар бўйича ҳисобот даври охирига кредит қолдиқларнинг Баланс 011 сатридаги суммага тенглигини текшириш.

¹⁴ Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003. -319 б.

2.2. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ўтказиш тартиби

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона балансига киритилади:

- а) капитал қўйилмалар тугганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;
- б) олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- в) устав сармоясига таъсисчи улуши кўринишида келиб тушиш;
- г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);
- д) айирбошлаш;
- е) товар-моддий заҳиралар таркибидан ўтказиш;
- ж) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;
- и) қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;
- к) асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш.

Асосий воситаларнинг келиб тушиши асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш (ички ҳаракати) далолатномаси (юк хати) билан (АВ-1 шакли), унга илова қилинган мазкур объектнинг техник ҳужжатлари билан биргаликда расмийлаштирилади.

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона баланси ҳисобидан чиқарилади:

- а) тугатиш;
- б) сотиш;
- в) айирбошлаш;
- г) текинга бериш;
- д) устав сармоясига муассис улуши сифатида бериш;
- е) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш;
- ж) камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;
- и) иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши.

Асосий воситалар ишга яроқсизлигини аниқлаш учун корхонада махсус комиссия тузилади. Объектнинг тугатилиши комиссия томонидан тузилган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича далолатнома (АВ-3 шакли) билан расмийлаштиради. Далолатнома корхона раҳбари томонидан тасдиқланади, бухгалтер эса варақага объект чиқарилган сана ва далолатнома рақамини қайд этади.

Асосий воситалар ишлатиладиган жойларда (корхона устахоналари ва бўлимларида) асосий воситаларнинг инвентар рўйхатлари (АВ-9 шакли) юритилади, уларда ишлатишда бўлган асосий воситалар объектлари бўйича қисқа маълумотлар келтирилади.

Келиб тушган, ҳисобдан чиқарилган ва корхона ичида ҳаракатланган асосий воситаларнинг инвентар варақалари, тегишли ёзувлардан кейин ҳисобот ойининг охиригача, таҳлаб қўйилмасдан алоҳида сақланади. Бу шунинг учун зарурки, мазкур варақалар асосида асосий воситаларнинг ҳар ойлик эскириши ҳисобланади, бундан ташқари, жорий ой якунлангандан кейин ушбу ойдаги ёзувлари бўлган варақа асосий воситалар табақалаштирилган турлари бўйича гуруҳлаштирилади, ҳар бир тури бўйича қабул қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши айланмалари жамланади ва асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаларига ёзиб қўйилади.

Асосий воситалар тўғри баҳоланганлигини текшириш лозим, зеро нотўғри баҳолаш нафақат умумий ҳолатни нотўғри акс этиши, балки қуйидагиларга олиб келиши мумкин:

эскириш нотўғри ҳисобланишига;

солиқлар суммаси нотўғри ҳисобланишига;

бухгалтерия (молиявий) ҳисоботда асосий воситалар қиймати нотўғри акс этирилишига.

Асосий воситалар ҳаракати бўйича операцияларнинг аудиторлик текширувида қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим:

асосий воситаларни Устав капиталига бадал сифатида ўтказишда уларнинг дастлабки қиймати, эскириши ва топшириш вақтидаги келишув

нархи кўрсатилган рўйхат мавжудлиги. Рўйхатга топшираётган корхона муҳри билан тасдиқланган қабул қилиш-топшириш далолатномасининг иккинчи нусхаси ва ўтказилаётган объектлар бўйича техник ҳужжатлар илова қилинганлиги;

асосий воситаларни сотиб олишда уларнинг дастлабки қиймати, эскириши ва сотиб олиш нархи кўрсатилган сотиб олиш-сотиш далолатномаси расмийлаштирилганлиги;

асосий воситалар тўпланда (масалан, офис учун мебел) сотиб олинганда инвентар варақага тўплам таркибига кирувчи активлар бўйича алоҳида ёзувлар киритилганлиги;

асосий воситалар объектлари чет эл валютасига сотиб олинганда объектнинг дастлабки қиймати сотиб олиш пайтида амалдаги курс асосида сўмга қайта ҳисобланган қиймати бўйича ҳисобланганлиги;

вақтинча ишлатишда бўлган капитал қурилиш объектлари, улар доимий ишлатишга қабул қилингунга қадар асосий воситалар таркибига киритилмаслиги ва тугатилмаган капитал қўйилмалар деб ҳисобга олинганлиги;

жорий ижара шарти билан фойдаланишга қабул қилинган асосий воситалар объектлари 001-сонли балансдан ташқари ҳисобда ҳисобга олинганлиги;

асосий воситаларни сотишда амалдаги бозор нархларини кўллаш;

асосий воситалар бепул берилганда уларнинг қиймати берувчи томонидан ҚҚСга тортилиши, аввал асосий воситалар таркибига ҚҚС билан киритилган асосий воситалар бепул берилиши бундан истисно (ишлаб чиқариши бўлмаган жабҳалар учун);

асосий воситалар ишга яроқсизлиги, уларни тиклаш учун таъмирлаш ишларини амалга ошириш мумкин эмаслиги ёки самара бермаслигини аниқлаш ҳамда ҳисобдан чиқариш бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун корхонада раҳбар буйруғи билан доимий фаолият кўрсатувчи комиссия тузилганлиги;

агар ускуналар янги қурилиш, фаолият кўрсатаётган корхонани кенгайтириш, қайта қуриш ва техникавий қайтадан жиҳозлаш билан боғлиқ бўлса, мазкур ускуналарнинг рўйхати фаолият кўрсатаётган корхонанинг кенгайтириш, қайта қуриш ва техникавий қайтадан жиҳозлаш режасига киритилганлиги;

ускуналарни бўлақларга ажратиш ва демонтаж қилишдан ҳосил бўлган ва келажакда ишлатиш учун яроқли бўлган барча деталлар, қисмлар ва агрегатлар омборга кирим қилинганлиги ва ушбу операция бухгалтерия ҳисобида тегишли равишда қайд этилганлиги.

Асосий воситалар мавжудлиги, сақланиши ва улардан самарали фойдаланиш даражасини текшириш мақсадида аудитор томонидан кўйидагилар текширилади:

корхонада асосий воситаларни қабул қилиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш бўйича комиссия тузилганлиги;

асосий воситаларни сотиб олиш-сотиш шартномалари расмийлаштирилганлиги;

келишилган нархлар бўйича баённомалар расмийлаштирилганлиги;

асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаларида уларнинг дастлабки қиймати тўғри кўрсатилганлиги;

объектлар қуриб битказилгани ва жиҳозланганидан кейин, ёки тиклаш ва қисман тугатилганидан кейин уларнинг дастлабки қиймати тўғри акс эттирилганлиги.

Асосий воситалар объектларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ҳолатини текшириш натижаларига кўра аудитор назорат самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариши мумкин.

Асосий воситалар сақланишининг муҳим шартларидан бири – уларни сифатли инвентаризациядан ўтказиш. Шунинг учун, назорат вақтида инвентаризация тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилганлиги, унинг натижалари бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш лозим. Аудиторга бу аудиторлик таваккалчилигини камайтириш мақсадида

корхонада ўтказилган инвентаризация натижалари тўғрилигига қай даражада ишонч ҳосил қилиш учун керак.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ корхонада ҳар йилда камида бир марта, лекин ҳисобот йилининг 1 октябрдан аввал бўлмаган муддатда, йиллик ҳисоботлар ва баланс тайёрлашдан олдин, асосий воситаларни инвентаризация ўтказилиши лозим. 19-сонли БҲМСга биноан асосий воситалар ҳар икки йилда бир марта, кутубхона фонди эса ҳар беш йилда бир марта инвентаризациядан ўтказилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Инвентаризациядан олдин хусусий ва ижарага олинган асосий воситалар бўйича инвентар дафтарлари ва рўйхатлардаги ҳамда техник паспортлари ва бошқа техник ҳужжатларидаги ёзувлар тўлиқлиги текширилади. Агар техник ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги маълумотлар орасида фарқлар аниқланса, уларга тегишли равишда аниқликлар ва тузатишлар киритилади. Асосий воситаларни инвентаризация жараёнида объектлар комиссия томонидан бевосита табиий ҳолатида кўриб чиқилади ва инвентаризация рўйхатида уларнинг тўлиқ номлари, ишлатилиши, инвентар рақамлари, асосий техникавий ва фойдаланиш тавсифлари қайд этилади.

Ҳисобда қайд этилмаган объектлар ёки ҳисоб регистрларида уларга мансуб бўлмаган тавсифлар келтирилган ҳолларда, кўрсатилмаган маълумотлар ва техникавий кўрсаткичлар комиссия томонидан тўлдирилади. Шу вақтнинг ўзида бундай объектларнинг бунёд этиш ёки сотиб олиш вақти, харажатларни молиялаштириш манбалари, уларни куриш зарурияти, молиявий интизомга риоя қилиниши учун масъул шахслар доираси аниқланади.

Аудитор томонидан қонунчиликка ҳилоф равишда бунёд этилган ёки сотиб олинган асосий воситаларни тасдиқловчи ҳужжатлар аниқланса, аудиторлик текшируви асосий воситалар қонунга ҳилоф равишда сотилганлиги ёки талон-тароҳ қилинганлиги тўғрисидаги хабарга мувофиқ ўтказилаётган бўлса, унда у тўсатдан тафтиш ўтказиш билан бошланади.

Бунда аудитор инвентар варақалари ёки инвентар дафтари мавжудлиги ва ҳолати, синтетик ва таҳлилий ҳисоб маълумотлари бир бирига мувофиқлигини текширади. Инвентар варақаларининг маълумотлари инвентар рўйхати маълумотлари билан, инвентар рўйхатининг умумий суммаси 0100-сонли счетлар гуруҳи маълумотлари билан, улар ўз навбатида – баланс маълумотлари билан солиштирилади.

Солиштириш вақтида асосий воситаларнинг камомади ёки ортиқчалиги, унинг сабаблари ва айбдор шахслар ҳамда ушбу омилларнинг бошқа кўрсаткичларга таъсири аниқланади (асосий воситалар бўйича эскириш ва мол-мулк бўйича солиқ кам ёки кўп ҳисобланиши). Аудитор асосий воситалар жойларда мавжуд эканлигини танлаб олиш усули билан текшириб аниқлайди.

Камомад аниқланган ҳолда, аудитор моддий жавобгар шахслардан тушунтириш хати ва камомадлар қопланишини талаб қилади. Ушбу камомадлар аудиторлик текширувини ўтказиш вақтида қопланиши лозим.

Аудитор асосий воситалар сақланишини текширганда улар моддий жавобгар шахсларга бириктирилганлиги, ёзма равишда моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилганлигини аниқлайди.

Ижарага олинган воситалар ҳар бир ижарага берувчи бўйича алоҳида инвентаризация рўйхатида акс эттирилади ва унда белгиланган маълумотлардан ташқари қўшимча равишда ижара берувчининг номи ва ижара муддати кўрсатилади.

Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ўтказишда асосий воситалар қабул қилиниши ҳисоби бўйича дастлабки ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги ҳамда машина ва ускуналарнинг техник паспортларидаги ёзувлар текширилади. Биринчи навбатда асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузган комиссия аъзоларининг тегишли билимга эгалиги аниқланади. Унинг таркибига инвентаризация объектлари билан мукамал таниш бўлган мутахассислар киритилиши лозим. Асосий воситалар ҳар бир инвентаризация объектига

алоҳида тузиладиган қабул қилиш-топшириш далолатномаларига асосан кириш қилинади. Аудиторнинг вазифаси кириш ҳужжатларида инвентар объектнинг барча реквизитлари ва техник тавсифлари (барпо этилган йили, ишлаб чиқарган завод рақами, қуввати) қайд этилганлиги, унинг тўлиқ жиҳозланганлиги ва ишга яроқли эканлигини текширишдан иборат. Корхонага аввал ишлатилган инвентар объектлари олинган ҳолда, аудитор уларнинг техник паспортларига асосланиб, ёки лозим бўлса, амалда кўриб чиқиб, эскириш тўғри ҳисобланганлигини текширади.

Жорий ижарага берилган асосий воситалар объектлари ижарага берувчининг балансида ҳисобда туради, ижарага олувчида эса, ижара шартномасида кўрсатилган дастлабки қиймати бўйича балансдан ташқари ҳисобда ҳисобга олинади. Ижарага олинган объектларнинг таҳлилий ҳисоб регистри сифатида ижарага олинган объектларнинг қабул қилиш-топшириш далолатномасига илова қилинган инвентарл варақасининг нусхаси қўлланилади. Аудитор томонидан ушбу тартибга риоя қилиниши ва асосий воситаларнинг ишга яроқли ҳолати ва фойдаланиши қандай таъминланганлиги текширилади.

Капитал қўйилмалар ҳисобидан янги ускуналар олинганда, аудитор ушбу операциянинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва у капитал қўйилмалар ҳисоби, ўрнатилиши лозим бўлган ускуналар, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар, келгуси давр харажатлари ва тўловлар ҳисобларида акс этирилганлигини текширади. Шунингдек, аудитор титул рўйхатлари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжудлигини ҳам текширади. У камчиликларни аниқлаб, унинг сабаблари ва айбдор шахсларни аниқлайди ҳамда хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни белгилайди.

Аудит ўтказиш жараёнида, маънавий эскирган, батамом яроқсиз ҳолга келган ва келажакда ишлатиш учун яроқсиз бўлган ускуналар, транспорт воситалари, уларни тиклаш мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан

мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги сабабли ҳисобдан чиқарилиши юзасидан назоратга алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Асосий воситаларга оид объектлар асосли равишда ҳисобдан чиқарилганлиги текширилади. Бунда аудитор ишга яроқсиз ҳолга келган асосий воситаларни тугатиш тартибига оид йўриқномаларга риоя қилинганлигини аниқлайди. Аввалам бор, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича доимий ишловчи комиссия тегишли билимга эга эканлиги аниқланади. Комиссияга техник хизмат мутахассислари, бош бухгалтер, корхона бўлинмалари ва жамоат ташкилотлар раҳбарлари киритилганлиги ва комиссияга корхона раҳбарининг ўринборсари раислик қилаётганлиги аниқланади. Автомобиллар, кўтаргичлар ҳисобдан чиқарилишини текширганда, тегишли назорат идораларининг (Давлат автомобил назорати, техник назорат ва бошқалар) ходимлари комиссия ишида иштирок этганликлари аниқланади.

Агар инвентар объекти эскириш муддатидан кам ишлатилган бўлса, ҳар бир муддатдан олдин чиқариш ҳолатлари алоҳида кўриб чиқилади. Бунда йўл қўйилган зиёнга масъул шахслар аниқланиши ва корхона раҳбарияти томонидан йўл қўйилган зиённи қоплаш бўйича ва келгуси фаолиятда бундай камчиликларга йўл қўйилмаслик учун қандай чоралар кўрилганлиги аниқланиши лозим.

Тўлиқ эскирмаган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш (тугатиш) натижасида вужудга келган зарарларни текшираётганда аудитор улар корхона хўжалик фаолияти натижаларига ўтказилишини аниқлайди.

Асосий воситалар ҳисобдан чиқарилиши (тугатилиши)ни назорат қилаётганда аудитор уларни қисмларга ажратиш, демонтаж қилиш ва тугатиш операциялари бўйича счетларда акс этиш тартибига риоя қилиниши ҳамда тугатишдан ҳосил бўлган материаллар кирим қилинишини текширади. Ишлатиш учун яроқли бўлган материаллар: эҳтиёт қисмлар, металл чиқиндилари, ўтин ёки иккиламчи хом ашё сифатида сотилиши мумкин бўлган нархларда кирим қилинади.

Асосий воситалар ҳисоби ҳолатини текширганда таҳлилий ҳисоб тўғри ташкил этилганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Асосий воситалар юзасидан назорат қилиш ва уларнинг ҳисоби билан чуқурроқ танишиш мақсадида аудитор корхона томонидан ҳисобот тузилган сана ҳолатига кўра барча мавжуд асосий воситаларнинг, уларни турлари бўйича ажратган ҳолда, муфассал рўйхатини тузиб беришни талаб қилади. Ушбу рўйхатга қиймати камайтирилган ёки қиймати қайтадан кўриб чиқилган асосий воситалар объектлари, бошқа корхоналардан ва ташкилотлардан ижарага олинган асосий воситалар тўғрисида маълумотлар илова қилиниши лозим.

Асосий воситалар ҳисобда мунтазам равишда эмас, операциялар содир этилишига қараб акс этилади, бу эса, эскириш тўғри ҳисобланишига ва ишлаб чиқариш харажатларига тўғри киритилишига таъсир кўрсатади.

Жамғарилган эскириш ажратмалари ҳисобот тайёрланган сана ҳолатига ҳисобланади. Асосий воситалар рўйхати асосий воситалар мавжудлиги, уларнинг йил давомида ҳаракати тўғрисида кенг кўламда маълумотга эга бўлишига қарамасдан, аудитор асосий воситалар қабул қилиниши, чиқарилиши, ҳаракати тўғрисидаги ҳужжатларни ҳам ўрганиб чиқиши лозим. Ҳужжатлардаги маълумотлар ва улардаги бухгалтерия ёзувларига асосланиб асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари бўйича операциялар уларнинг ҳисоби бўйича счетларда тўғри акс этилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Асосий воситаларнинг ҳисоби бўйича хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаш кенгайтирилган муолажа ҳисобланади, чунки маълумотларнинг асосий қисми ички ва ташқи ҳужжатларда акс эттирилади.

Счет-фактуралар, контрактлар, ижара тўғрисидаги келишувлар, суғурта полислари, белгилар, солиқ идораларининг далолатномалари ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш аудиторга аудит ўтказилаётган объект тўғрисида ишончли маълумот олиш имкониятини яратади.

Агар аудиторларга ҳисоб регистрларидан олинган маълумотлардан ҳам ишончлироқ маълумотлар керак бўлса, улар ижара берувчилар, суғурта компаниялари ва давлат идораларига жўнатилган хатлар билан танишиб чиқишлари лозим.

Асосий воситалар бўйича хўжалик операцияларининг ҳужжатли тасдиғи – бу счет бандини танлаб олиш ва уни охиридан бошланишига қараб ўрганиб чиқиш, яъни ҳисоб ёзувини тасдиқловчи дастлабки ҳужжатларни қидириш жараёнидир. Асосий воситалар бўйича аудиторлар ҳужжатларни танлаш усули асосида, улар амалда қабул қилинганлиги ва тугатилганлиги ҳамда таъмирлаш учун катта миқдорда маблағлар сарфланган харажатлар бандларини аниқлашлари мумкин. Шунингдек, тасодифий танлаш усулини ҳам қўллаш мумкин. Шундай йўл билан ҳисобда акс этилган солиқлар ва асосий воситаларни суғурта қилиш бўйича харажатларни ҳам танлаб олиш мумкин.

2.3. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудити натижаларини умумлаштириш тартиби

Асосий воситалар аудити жараёнида, асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисобланиши, улар тугатилиши ва ҳисобдан чиқарилишини баҳолаш бўйича текширувни амалга оширишда қайта санаш усуллари кенг қўлланилади. Тўпланган эскириш арифметик сон кўринишида мавжуд, шунинг учун унинг ҳақиқийлиги фақат қайта санаш йўли билан аниқланиши мумкин.

Асосий воситалар текшируви вақтида қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- асосий воситалардан самарадорлик билан фойдаланилганлиги (ушбу кўрсаткич бир қатор йиллар бўйича ўрганилади); маблағлар қайтимини кўтаришга қаратилган тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги (сменалик коэффицентини кўтариш, иш тўхтаб қолишларни камайтириш ва бошқалар). Асосий воситалардан (ижарага олинганлар ва хусусий) қандай фойдаланилади ва улар ишлатилишини ҳисобга олиш

кандай ташкил этилган, уларнинг иш билан таъминланганлиги, бекор туриб қолишлар ҳоллари мавжудми, транспорт воситаларидан шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиш; иш билан таъминланмаслик ва бекор туриб қолишлар сабаблари;

- ишлатилмайдиган асбоб-ускуналар мавжудлиги, уларнинг сифати, сақлаш шароитлари; ортиқча ва керакли бўлмаган мол-мулкни сотиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар (бундай мол-мулк ҳосил бўлиш сабаблари аниқланади);

- асосий воситаларнинг амалда мавжудлиги ва ҳаракати бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мувофиқлиги; балансда ҳисобда бўлган асосий воситалар ҳақиқийлиги ҳисоб маълумотлари кўрсаткичлари корхонада ўтказилган охириги инвентаризация маълумотлари билан солиштириш йўли билан аниқланади; бундан ташқари, аудитор алоҳида ишлаб чиқариш бўлимларида асосий воситаларнинг назоратли инвентаризацияини ўтказилади;

- асосий воситалар (жамғармалар) га оид бухгалтерия ҳисоби стандартларида кўзда тутилган асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибига риоя қилиниши;

- корхонага сотиб олинган асосий воситалар моддий жавобгар шахслар томонидан тегишли ҳужжатларга асосан ўз вақтида расмийлаштирилганлиги ва қабул қилинганлиги; улар бухгалтерия ҳисобида тўлиқ кириш қилинганлиги;

- асосий воситаларнинг ишга туширилиши ўз вақтида расмийлаштирилганлиги;

- яроқсиз ҳолга келган асосий воситаларни тугатилишига оид амалдаги тартибга риоя қилиниши, уларни ҳисобдан чиқарилиши далолатномалар билан тўғри расмийлаштирилганлиги, ушбу далолатномада кўрсатилган маълумотлар (ишлатиш муддатлари, баланс қиймати, эскириш суммаси ва бошқалар) ҳисоб маълумотларига мос келиши; асосий воситалар тугатилишидан ҳосил бўлган моддий бойликлар (эҳтиёт қисмлар,

материаллар, иккиламчи металл чиқиндилари, иккиламчи хом ашё) тўлик кирим қилинганлиги;

- асосий воситалардан фойдаланишда хўжасизлик ва хатоликларга йўл қўйилиши; ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотиб олинган хўжалик асбоб-ускуналари ва мол-мулк аудит қилинаётган корхона ходимларига шахсий фойдаланиш учун берилган ҳоллари мавжудлиги; бундай ҳоллар мавжуд бўлса, мол-мулкдан фойдаланганлиги учун ушбу шахслардан ҳақ олинганлиги;

- бинолар ва иншоотларни таъмирлаш фондига ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланганлиги; уларни капитал таъмирлаш кўринишида, капитал қўйилмалар ҳисобига бажариладиган янги қурилиш ёки қайта қуриш амалга оширилганлиги;

- асосий воситалар бўйича белгиланган ягона эскириш меъёрларини қўллаш тартибига риоя қилинганлиги.

Текшириш вақтида асосий воситалар ўз вақтида инвентаризациядан ўтказилганлиги, инвентаризация натижалари тўғри расмийлаштирилганлиги, унинг натижаларини кўриб чиқиш муддатларига риоя қилиниши текширилади.

Чиқиб кетадиган асосий воситалар объектининг қиймати баланс ҳисобидан чиқарилади.

Аудитор асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона баланси ҳисобидан чиқарилишини текширади:

- а) тугатиш;
- б) сотиш;
- в) айирбошлаш;
- г) текинга бериш;
- д) устав сармоясига муассис улуши сифатида бериш;
- е) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш;
- ж) камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;
- и) иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши.

Асосий воситалар объекти қисман тугатилган ҳолатда унинг бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизацияси тегишлигича объектнинг тугатилган қисмининг бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизацияси суммасига камайтиради.

Аудитор асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромадан уларнинг қолдиқ (баланс) қийматини, асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган билвосита солиқлар ва харажатларни чегириб ташлаш орқали аниқланишини текширади.

Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан кўрилган молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлашда илгари қайта баҳоланган асосий воситалар объектларини қўшимча баҳолаш суммаси, мазкур асосий воситалар объектини илгариги қўшимча баҳолашлар суммасининг илгариги арзонлаштиришлар суммасидан ошиб кетиши “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” с/ҳ баҳолаш зарари сармоясини бир йўла камайтириш билан асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ муомалаларни текширишдан мақсад қуйидагиларни аниқлашдан иборат:

асосий воситанинг дастлабки (тиклаш) қиймати ва ҳисобдан чиқарилаётган вақтдаги эскириш суммаси тўлиқ ва тегишли тарзда уларни ҳисобга оладиган с/ҳлардан ҳисобдан чиқарилганлигини;

ушбу муомалалар натижасида ҳосил бўлган молиявий натижалар (фойда ёки зарар) фойда ва зарарлар с/ҳида тўғри акс эттирилганлиги.

Бунда қуйидаги амаллар бажарилиши мумкин:

ҳисобот даври давомида ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар объектларининг ҳисобдан чиқарилаётган кундаги бошланғич қиймати ва жапмғарилган эскириш суммаси кўрсатилган рўйхатини олиш; ҳисобдан чиқарилиш сабаби; сотиш баҳоси; ҳисобдан чиқаришнинг молиявий натижаси. Олинган ахборотлар маълумотларини 0110-0190 с/ҳлар кредити,

0210-0290 счётлар дебети бўйича маълумотлар, 9210, 9310 ва 9430 счётлар маълумотлари билан солиштириш;

асосий воситани ҳисобдан чиқаришга доир муомалани амалга ошириш учун тегишли рухсатнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳужжатлаштирилишини текшириш;

ҳисобдан чиқаришга доир ҳар бир муомала бўйича асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва молиявий натижасини аниқлашнинг тўғрилигини таҳлил қилиш.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ва алмаштирилиши билан боғлиқ фойда ва зарарлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тўғри акс эттирилганини текшириш ҳам аудиторнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Аммо халқаро амалиётда, хусусан US GAAP талабларига кўра эски АВлар шу эски АВ билан бир хил мақсадларга ишлатиладиган янги АВларга алмаштириладиган бўлса ва алмаштириш шартномасига кўра эски АВ учун янги АВ қийматининг 25 % игача нақд пул тўланаётган бўлса, янги АВни олган корхона эски АВ ва янги АВ қиймати ўртасидаги фарқни даромад сифатида тан олиши таъқиқланади.

Аудитор асосий воситалар ҳисобдан чиқарилишини текшириш чоғида ҳисобдан чиқарилиш сабабини, муомаланинг мақсадга мувофиқлигини ва қонунийлигини аниқлайди. Бунда асосий воситаларни сотиш учун тузилган шартномалар, ҳисобдан чиқариш далолатномалари, асосий воситаларни қабул қилиш - топшириш далолатномаси, аналитик ҳисоб маълумотларидан фойдаланилади.

Аудитор асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришда асос бўлган АВ-1 ва АВ-3 шакллардаги далолатномалар маълумотларини текшириши лозим. Бу далолатномаларда ҳисобдан чиқариладиган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси акс эттирилади. Аудитор ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг инвентар карточкалари картотекадан олиниб, далолатномага илова қилинганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Шунингдек, асосий воситаларнинг турган ўрин бўйича инвентар рўйхатида

хам тегишлича қайд қилинганлиги текширилади.

Ҳозирги кунда республикамиз корхоналарида асосий воситалар билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланишнинг таҳлили яхши йўлга қўйилмаган. Таҳлилнинг бу объектига баҳо беришда бугунги кунда асосий эътибор уларнинг динамик ўзгаришларига қаратилмоқда. Бу эса корхонада фойдаланилаётган қайси асосий воситанинг самарадорлиги яхши эканлигига жавоб топиб беришда нўноқлик қилмоқда. Бизнинг фикримизча, асосий воситалардан самарали фойдаланишнинг таҳлилида статистик кўрсаткичлар ва индекслар қаторини, шунингдек, илғор хорижий усулларни қўллаш лозим. Бу эса корхоналарда асосий воситалардан самарали фойдаланишнинг барча жиҳатларини очиб беради.

2-боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 2-бобида асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитининг амалий жиҳатлари ёритиб берилди, жумладан асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини режалаштириш, ўтказиш ва умумлаштириш тартиби кўрсатиб берилди.

Республикамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида асосий капиталнинг мулк таркибида давлат мулкининг улуши камайиб, бошқа мулкчилик шакллари, шу жумладан, хусусий мулкнинг улуши орта боради. Хусусий мулкнинг улуши кўпайиб бориши Республика иқтисодиётида мол-мулкдан фойдаланиш даражаси ортиб бораётганлигидан далолат бериб, мулкка бўлган муносабатнинг янада яхшиланишига имкон яратади ва бу хусусий мулкка маблағларни жалб қилиш миқдорини оширади. Хусусий мулк улушининг ортиб бориши мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида ўз ифодасини топади.

Киритилаётган инвестицияларнинг асосий капиталга тегишли қисмининг таркибий жиҳатдан ўзгариши, аввало, корхона фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Хўжалик юритувчи субъектда асосий капитал

бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан асосий воситалар сифатида талқин этилади. Маблағларнинг ушбу тури хўжалик юритувчи субъект фаолияти давомийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Асосий воситалардан унумли ва самарали фойдаланишда хўжалик юритувчи субъектда, энг аввало, уларнинг ҳаракати аудитининг тўғри ўтказилишига муҳим эътибор қаратилади.

III БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитида қўлланиладиган усуллар ва уларни такомиллаштириш

Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ўтказишда таҳлилий амаллар кенг фойдаланилади. Таҳлилий амаллар деганда аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай хатолар ва чалкашликлар-нинг сабабларини аниқлаш мақсадида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикамиз корхоналари фаолияти натижаларини аудиторлик текширувларидан ўтказиш, шунингдек аудиторлик назорати сифатини оширишда таҳлилий амаллардан кенг фойдаланиш ресурсларни самарали бошқариш ҳамда иқтисодий манфаатдорликни оширишда катта аҳамият касб этади. Чунки корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни олдиндан тахминлаш, уларни истиқболли ривожлантириш бўйича самарали бошқарув қарорларни қабул қилишда инфорацион ва назарий асосни яратиш каби муаммолар корхоналар фаолиятида иқтисодий таҳлилнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда назоратни ташкил этишни талаб қилади.

«Таҳлилий амаллар» номли халқаро ҳамда миллий аудиторлик стандартларида аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллашнинг жуда муҳимлиги таъкидланган.

Аудиторлик стандартлари тўғрисидаги Низомнинг(SAS) 56-бандида таҳлилий амаллар (таҳлилий тестлар) молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш, келтирилган суммаларни аудитор томонидан аниқланган суммалар билан таққослаш асосида молиявий ахборотни баҳолашни ўзида акс эттиради, дейилган.

Аудиторлик стандартлари бўлими(ASB) таҳлилий амалларни ўтказиш ҳар қандай аудитда жуда муҳим, деб ҳисоблайди.

Аудитнинг бир неча аниқ масалаларини ҳал этишда ёки счётларнинг қолдиғи унча катта бўлмаганда фақат бир таҳлилий амал туфайли етарлича далил олиш мумкин бўлади. Кўпчилик ҳолларда, аудиторлик далилий маълумотларини етарлилиги талаб даражасида бўлиши учун таҳлилий амаллар натижалари асосида қўшимча ахборотларни олиш зарур бўлади. ASB юзаки текширувларда ҳам таҳлилий амалларни қўлланилишни талаб этади.

Таҳлилий амалларни бажариш бир неча босқичларда амалга оширилади: ўтказиладиган амални мақсадини белгилаш, тестларни режалаштириш, тестлаш, натижаларни таҳлил қилиш ва хулосалар олиш.

Таҳлилий амаллардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- мижоз бизнеси билан танишиш;
- корхона молия-хўжалик фаолияти узлуксизлигининг истиқболини баҳолаш;
- мижоз ҳисоб ва ҳисоботида кўзда тутиладиган камчиликларнинг ўрнини аниқлаш;
- молиявий ҳисоботда бўлиши мумкин бўлган хатоларни аниқлаш;
- аудиторлик текуширувининг асосий босқичида деталлашган тестлар сонини қисқартириш.

Таҳлилий амаллар тармоқ хусусияти ва мижоз бизнеси билан танишишда энг кенг тарқалган усуллардан биридир. Аудитор ўтган йилларда олган билимлари ва тажрибаларидан жорий даврдаги текширув жараёнларини режалаштиришда фойдаланади. Таҳлилий амаллар (ўтган йиллардаги аудит маълумотларини жорий текширув давридаги маълумотлар билан таққослашга асосланган) хўжалик фаолиятида содир бўлган муҳим ўзгаришларни аниқлашда қўл келади. Бу ўзгаришлар муҳим тенденцияларни ёки тармоқ хусусиятига доир ҳодисаларни акс эттириб, бу тенденция ва ҳодисалар аудитни режалаштиришда албатта ҳисобга олиниши керак.

Шунингдек, аудиторлик текширувининг асосий ҳамда якуний босқичларида ҳам таҳлилий амаллардан кенг фойдаланиш орқали текширув самараси ошишига, вақт ҳамда харажатларнинг тежалишига эришилади.

Таҳлилий амалларни бажаришнинг бир нечта тури мавжуд бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:



4-чизма. Таҳлилий амалларни бажариш турлари¹⁵.

Шундай қилиб, аудиторлик назорати сифатини кўтаришда таҳлилий амалларнинг кенг қўлланилиши талаб этилади. Бу нафақат мажбурий ёки ихтиёрий шаклда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг ҳар бир босқичида, балки қўшимча аудиторлик касбий хизматларини кўрсатишда ҳам икки томонлама (мижоз ва аудиторлик ташкилоти) манфаатдорликни оширади.

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, асосий воситаларни ишлаб чиқаришда фойдаланишни текширганда қуйидагиларга эътибор берилади:

- Хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган асосий воситалардан фойдаланилаётганлик даражасини, фонд қайтимидаги йиллар давомидаги даражасини, фонд қайтимларини орттириш бўйича кўрилган чоратadbирларнинг мавжудлигини, асосий воситалардан фойдаланиш доимийлиги таъминланганлигини, асосий воситаларнинг ишлатилмай тўхтаб қолиш ҳолларини қисқартириш ва бошқалар;
- Хўжалик юритувчи субъектларга қабул қилинган янги асосий воситаларнинг ишлаб чиқаришга жалб қилиниш даражасини, яъни қабул қилинган асосий восита омборларда қолиб кетмасдан тезроқ ишлаб чиқаришга қўлланилиши ва натижада, хўжалик юритувчи субъектдаги воситадан фойдаланиш коэффициентининг меъёрларга тўғри келишини таъминланаётганлиги;
- ўрнатилмаётган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ускуналарининг туриб қолиш сабаблари, уларни тезроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш йўллариининг кўрилаётганлигини;
- Хўжалик юритувчи субъектда мавжуд асосий воситаларнинг ишлаб чиқаришдаги доимийлигини таъминлаш мақсадида қилинаётган таъмир ишларининг мақсадга мувофиқлиги, таъмир ишлари тўғри расмийлаштирилиши, таъмир харажатларини тегишли харажат турларига тўғри олиб борилишини текширади;
- асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари смета (норматив) қийматларига тўғрилигини, асосий воситаларни ремонтдан қабул қилиш далолатномалари билан солиштирилади;
- пудрат усулида бажарилган таъмирлашнинг шартномага тўғри келиши, таъмирлаш корхонасининг берган кафолатига риоя қилинишини текширади.

Аёнки, хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалардан меҳнат қуроллари сифатида фойдаланадилар. Асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш жараёнларида истеъмол қилиниши

амортизация ажратмалари суммаси миқдорда амалга оширилади. Аудиторлар асосий воситаларга ҳисобланган амортизацияни шу нуқтаи назарда текширадilar.

Амортизация суммалари хўжалик юритувчи субъектларда ҳар ой амортизация ҳисоблаш қайдномаси, ҳисобланган амортизация суммасини тақсимлаш қайдномасига мувофиқ бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши маблағлардан унумли мақсадларга мувофиқ ҳамда қонуний жиҳатдан фойдаланилиши текширилади.

Амортизация суммаларини ҳисоблашда асосий эътиборни улардан унумли фойдаланишга қаратиш лозим бўлади. Бунда корхонадаги асосий воситаларнинг ой бошидаги қолдиғи, ой давомида келиши, кетиши ва қолдиғига эътибор бериледи.

Аудиторлар амортизация ажратмаларини текшираётганида асосий воситалар учун ҳисобланаётган эскириш суммаларининг тўғри ҳисобланаётганлигини алоҳида ўрганадилар. Аудит жараёнида асосий эътибор асосий воситалар бўйича режадаги амортизация суммасини, ҳақиқатан бажарилган иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланишига қаратилади.

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни текширишда асосий воситаларнинг хўжалик юритувчи субъектга кирими ва ҳисобдан чиқарилиши ҳисобга олинади. Амортизация ҳисоблаш қабул қилинган асосий воситалар учун ўша ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошланади, хўжалиқдан чиққан асосий воситалар бўйича эса баланسدан чиқарилганидан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади. Агарда амортизация кам ҳисобланган бўлса, қўшимча ҳисобланади, агарда ошиқча ҳисобланган бўлса, унда «қизил сторно» ёзуви билан коррективировка қилинади. Бунда ҳам бир хил асосий воситалар учун амортизация ҳисоблаш қайдномаси тузилади.

Асосий воситалар таъмирини аудит қилишда олдиндан ўтказиладиган, жорий ва кейинги назорат шаклларида кенг фойдаланилади. Агарда асосий воситалар таъмирини аудит қилишда айрим камчилик ёки мулкни талон-

тарож қилиш далиллари аниқланса, оралиқ далолатномалар тузилиб, ҳар бир моддий жавобгар шахслар кўрсатилади. Аудитнинг умумий далолатномасида эса бундай далиллар умумлаштириб ёзилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар маълум муддат давомида фойдаланилгандан сўнг, улар эскириши натижасида ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситаларни хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқарилишини аудит қилишдан асосий мақсад уларнинг тўла эскиришидан олдин ёки самарали фойдаланилмасдан аввал хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқариб юборилишини олдини олишдир. Шунинг учун ҳам назорат доимий ва йил давомида бир тартибда амалга оширилиши керак.

Асосий воситаларнинг хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқишини аудит қилганда асосий эътибор хўжалик муомаласи содир бўлишидан аввал ўтказиладиган назоратга қаратилиши лозим. Текширишда асосий воситаларнинг хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқишини расмийлаштирувчи комиссия бўлиши керак. Бундай ҳайъат хўжалик юритувчи субъектда раҳбарнинг буйруғи билан тузилади.

Асосий воситаларнинг хўжаликдан чиқишини текширганда жорий аудиторлик текшируви шаклидан кенг фойдаланилади. Бунда аудиторлар хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқарилаётган асосий воситаларнинг ҳар бир турининг техник жиҳатдан ҳақиқий ҳолида кўриши лозим. Аудитда асосий эътибор асосий восита қандай ҳолатда ва муддатда корхона балансидан чиқарилаётганига қаратилади. Шу боисдан ҳам аудиторлар асосий восита хўжаликдан чиқарилаётганида уларнинг техник паспортлари юритилишига, далолатнома тузилиши, тасдиқланишига катта аҳамият беришлари лозим.

Агарда асосий восита тўла эскирмасдан ёки ўзи бажарадиган иш ҳажмини бажармасдан балансдан чиқарилаётган бўлса, унинг сабаблари ўрганилади. Хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқарилаётган асосий воситага амортизация суммаларининг тўғри ҳисобланганлиги текширилади. Иморат ва иншоотларнинг эса элементларига эътибор берилади.

Хужжатли текширишда хўжаликдан чиқаётган асосий воситанинг ҳамма хужжатлари кўрилади, бунда комиссия тузилганлиги тўғрисидаги буйруқ ёки қарордан бошлаб, текширилаётган даврда балансдан чиқарилаётган ҳар бир асосий воситанинг техник ҳолати, фойдаланиш бўйича кўрсаткичлари, хўжаликдан чиқариш далолатномаси шаклига риоя қилиниши, далолатнома реквизитлари текширилади. Асосий восита корхонага келганидан то унинг чиқиб кетгунигача бўлган даврда фойдаланганлиги текширилади. Иморат ва иншоотлар корхона балансидан чиқарилганида, уларни бузишдан олинadиган инвентарь ва материалларнинг тўла қилинганлиги текширилади.

Асосий воситанинг хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқарилганида юзага келадиган молиявий натижани текшириш ҳам аудитнинг муҳим элементларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда аудиторлар асосий воситанинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши бўйича молиявий натижанинг фойда ёки зарар суммалари бўйича ҳисобда акс эттирилганлиги текширилади.

Аудиторлик текшируви яқунланганида аудиторлик ташкилоти томонидан миқозга маълумотнома тақдим этилади.

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти учун маълумотнома – бу аудиторнинг миқоз корхона раҳбариятига хат кўринишида тузилган ҳисоботи бўлиб, унда ҳисоб ёзувларида, бухгалтерия ҳисоби ҳамда ички назорат тизимида йўл қўйилган камчиликлар ҳақидаги маълумотлар, бундай камчиликлар мавжуд бўлганда аудитор томонидан қўлланиладиган чора ҳамда бундай камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар баён этилади.

Миқоз раҳбариятига берилadиган маълумотномада асосий воситалар ҳисоби бўйича барча камчиликлар келтирилмаслиги мумкин. Бу хужжатда асосан аудиторлик текшируви давомида мавжуд бўлган камчиликлар келтириб ўтилади. Маълумотномани корхона раҳбариятига бериш мажбурий эмас, аммо бу хужжатни тақдим қилиш орқали аудитор корхона

раҳбариятига бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими, молиявий ҳисоботларда юз берадиган ўзгаришларни, асосий воситалар ҳисоби бўйича мавжуд хатоларни ўз вақтида тузатиш имкониятини беради. Маълумотномада келтириб ўтилган камчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига тўғри келмаслиги ҳамда ушбу камчиликларни бартараф этиш йўллари қайд этилади. Тавсияларнинг берилиши аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасининг мундарижасини ўзгартирмайди.

Раҳбарият учун бериладиган маълумотнома қисқа, аниқ ҳамда тушанарли бўлиши лозим.

Агарда маълумотлар алоҳида бўлимлар ёки ҳисоб объектлари бўйича эксперт ҳисоботи кўринишида бўлса, унда аудиторнинг имзоси қўйилмайди. Агарда аниқланган баъзи-бир камчилик ва нуқсонлар молиявий ҳисобот бўйича ижобий хулоса беришда иккиланиш ҳолати юзага келса, бундай вазиятда аудитор маълумотномага имзо чекади. Бу ахборот махфий ҳисобланиб, фақатгина корхона раҳбариятининг муайян гуруҳига тақдим этилади.

3.2. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини ўтказишда замонавий ахборот технологияларини қўллаш

Электрон ҳисоблаш машиналари ҳозирги вақтда ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда қўлланиши билан бирга ҳисоб маълумотларини йиғиш, уларни қайта ишлаш, жамлама ва таҳлилий ҳисоб регистрларини тузиш, ҳисобот шаклларини тўлдириш, аудиторлик ишчи хужжатларини юритиш, аудиторлик хулосалари ва ҳисоботларини тўлғазиш ва бошқа бир қанча ишларни бажаришда кенг қўлланилмоқда. Амалиётда компьютерлардан кенг фойдаланиш бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил қилишнинг янги усулларини вужудга келтиради. Ҳозирги даврда аудит вазифаларини ахборот технологияси асосида марказлаштирилган ҳолда ташкил қилиш куйидагиларни таъминлайди:

фойдаланувчининг иш жойида ўрнатилга компьютерларни қўллаш, бу ерда вазифаларни ечиш аудитор томонидан бевосита унинг иш жойида бажарилади;

аудиторлик ташкилотининг иқтисодий вазифаларини интеграцияланган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминловчи маҳаллий ва кўп босқичли ҳисоблаш тармоқларини шакллантириш;

ҳисоблаш техникасида бажариладиган аудиторлик ҳисоблашлар таркибини кўпайтириш;

аудиторлик компанияси учун корхонанинг ягона тақсимланган маълумотлар базасини яратиш;

қоғозсиз технологияларга ўтиш ҳужжатларини йиғиш ҳамда рўйхатга олиш операциялар меҳнатталаблиги даражасини камайтиради;

аудит вазифаларини ечшни интеграциялаш;

диалогли усулда амалга ошириш йўли билан ахборот хизмат кўрсатишни ташкил этиш имконияти.

Ҳисоб тизими ва ҳисоботни шакллантирилишини ташкил этилишини назорат қилишда аудитор турли кўрсаткичларни методик ҳисобланиш тартибларини, жумладан, солиқ ставкаларини, коэффициентлар, қонунчиликни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни билиши талаб этилади. Яна ҳисобнинг турли участкаларида ҳисобланадиган кўрсаткичлар тизимини билиши лозим. Назорат муолажаларининг типик шаклларини мавжудлиги аудит жараёнини автоматлаштириш имкониятини юзага келтиради, бу эса албатта аудиторлик ташкилотларини иш сифатини самарадорлигини оширишга имкон туғдиради. Компьютернинг хотирасида кўплаб меъёрий-ҳужжатларни сақлаб қолиши, бир тарафдан аудитор имкониятларини кенгайтирса, бошқа тарафдан аудитор кўлида кучли дастак бўлувчи маслаҳат-назорат тизимини яратади.

Жаҳон амалиётида, аудиторлик фаолиятини автоматлаштиришда дастурлар қуйидаги компонентлардан иборат бўлиши лозим:

аудит жараёнида акс этувчи иқтисодий-математик, иқтисодий-ташкилий ва ахборий моделлардан;

моделларни шакллантиришни таъминловчи техник, дастурий, ахборот ва бошқа воситалар.

Юқоридаги компонентлардан келиб чиқиб компьютерлашган тизим икки қисмдан функционал ва таъминловчи қисмдан иборат бўлади. Функционал қисмида аудит ўтказиш жараёнининг ахборот ва математик моделларини методикалари ва йўллари методик жамланмасидан ташкил топади. Таъминловчи қисми аудит функцияларини амалга оширишда зарур бўлувчи, дастурий, ахборий, техник ва бошқа тўлдирувчи қисмлардан иборат бўлиши лозим.

Компьютер тизимининг функционал қисмини тўлиқроқ ёритадиган бўлсак, у бир қанча вазифалар комплексидан ташкил топади масалан:

аудит тури (ички, ташқи);

аудит функцияси (назорат-ревизия, баҳолаш-маслаҳат, маслаҳат-прагнозлаш ва х.);

аудит участкаси (ҳисоб тизими, ҳужжатлаштириш, назорат тизими ва х.).

Аудитни компьютерлашган тизимини ташкил этиш уни нима мақсадга эришиш учун мўлжалланганидан келиб чиқади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда маълумотлар базаси яратилади.

Маълумотлар базаси қуйидагича ташкил этилиши мумкин:

стандарт операцион тизимлар ва қўшимча дастурлар таҳлил қила оладиган бир типдаги ҳужжатларни маҳаллий файлларини йиғиш;

махсус критерияларга жавоб берувчи бирламчи ҳужжатлар ахборотлар базаси сифатида;

логик программалар воситалари ёрдамида ёки башқа дастурий тизимлар ёрдамида қайта ишланувчи эксперт-аудитор билимларини қоидавий шакли, қоидалар базаси.

Шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки ҳозирги вақтда ахборот технологиялари бозорида кўпгина аудит дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва

такомиллаштирилмоқда, жумладан “IT Audit”, “AuditNet”, “AuditPro”, “AuditSystem/2™”.

Аудитни ахборот технологиялари асосида ўтказиш жараёнида аудитор кўйидагиларга эътибор қаратиши лозим, яъни операциялар компьютер томонидан тўғри бажарилаётганлигини, операцияларнинг йўқотилмагани, кўшилмаганлиги, ўзгартирилмаганлиги, хатоларни ўз вақтида тuzатилганлиги, бажарилиш натижаларини аниқлиги, ахборотга бегона шахсларнинг кириши чекланганлигига.

Бизнингча аудитини автоматлаштирилган тизимларини ва дастурларини ишлаб чиқишда мавжуд аудит институтлари фаол иштирок этиши лозим. Уларнинг асосий фаолияти аудитни дастурий таъминот тизими бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилиши лозим.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар гуруҳига кирувчи аудиторлар ҳисобот маълумотларини текширишда асосан компаниянинг электрон маълумотлар базасига таянмоқда. Электрон тизимлар билан ишлаш аудиторлик текширишнинг янги усулларини ва маълумотлар базасининг кенг тармоқли процедураларини қўллашни талаб этмоқда.

Технологик соҳадаги ўсиш молиявий маълумотларни қайта ишлашни кенгайтирди. Шунингдек, аудиторларнинг ишини бирмунча енгиллаштирди. Бугунги кунда маълумотларни текширишнинг бир нечта дастурлари яратилган бўлиб, уларнинг энг кенг қўлланилаётганлари таркибига WebTrust ва SysTrust дастурларини қўшишимиз мумкин. WebTrust тизимида аудитор корхонанинг бутун иқтисодий ҳолатини электрон ҳолда кўриши мумкин, SysTrust тизимида корхона молиявий, ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятининг аниқ йўналиши кўрсатилади. Умуман ушбу икки тизим аудиторларнинг далил йиғиш, маълумотлар тўплаш ва қарор чиқаришга сарфлайдиган вақтини камайтиради.

Аммо бугунги кунда корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг бир нечта тизимлари қўлланилмоқда. Масалан, янги ўрнатилган тизим олдинги

маълумотларни бехосдан ўчириб ташлаши мумкин. Шу боисдан ҳам аудитор айнан корхонада қанақа тизим қўлланилаётганини билиши лозим.

Аудиторнинг иқтисодий ахборот автоматлаштирилган тизимдан фойдаланиладиган хўжалик юритувчи субъектида бажарилган ишлар бўйича режалаштириш, таҳлил этиш, назорат қилиш ва яқунлашда шарҳлаш ва хулосалаш учун компьютер тизими бўйича етарли даражада билимларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

4-жадвал

Асосий воситалардан фойдаланиш харажатларига оид маълумотларнинг компьютер муҳитида ташкил этилишининг аудиторнинг касбий таваккалчилигига боғлиқлиги¹⁶

Аудиторлик таваккалчилиги куйидаги ҳолатларда ортади	Аудиторлик таваккалчилиги куйидаги ҳолатларда камаяди
1. Компьютер муҳити марказлаштирилмаган	1. Автоматлаштириш тизимлари лицензияланган
2. Компьютер ускуналарининг географик тарқоқлиги мавжуд	2. Аудиторлар учун махсус ишланган дастурий таъминот туфайли назоратнинг айрим турларини чуқурлаштириш имконияти мавжуд
3. Бухгалтерия ходимларининг ахборот технологиялари соҳасидаги битим даражалари етарли эмас	3. Дастурий таъминотнинг махсус назорати мавжуд
4. Компьютер муҳитининг амал қилишида ички назорат мавжуд эмас	4. Хўжалик юритувчи субъектнинг ахборий сиёсати унинг раҳбарияти томонидан омилкорлик билан белгиланади
5. Компьютер тизимига рухсат этилмаган киришни чеклаш бўйича зарурий чоралар мавжуд эмас	5. Барча бўлинмалар, филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар, шуъба корхоналар компьютернинг ягона муҳитида ишлайди, ягона замонавий дастурий таъминоти қўллайди
	6. Хўжалик юритувчи субъектнинг ахборот сиёсати компьютер тизимининг асосий фойдаланувчилари билан келишилган
	7. Хўжалик юритувчи субъектнинг компьютер тизими ривожининг узок муддатли режаси мавжуд

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳолатда аудиторнинг вазифаси:

- компьютер муҳити таъсир кўрсатадиган ҳисобга олиш ва ички назорат тизимини етарли даражада ва барча аҳамиятли жиҳатларда тушуниш;
- компьютер муҳитининг таваккалчиликни баҳолашга таъсирининг самарасини белгилаш;
- лойиҳани тайёрлаш ва бошқарув тестлари ҳамда мустақил русум-қоидаларни бажариш.

Аудиторда кўрсатилган билимлар мавжуд бўлмаганда ахборот технологиялари соҳасида эксперт ишидан фойдаланиш лозим. Қўлланилаётган компьютер тизимини баҳолаш учун эксперт ишидан фойдаланилган ҳолларда:

- Экспертни тайинлаш ва эксперт ишидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа жараёнлар «Эксперт ишидан фойдаланиш» аудиторлик стандарти шартларига тўлиқ равишда мувофиқ келиши шарт;

- Аудитор, эксперт ишини кузатиб бориш учун хўжалик юритувчи субъектнинг компьютер тизими ҳақида етарли билимга эга бўлиши шарт ва шу билан бирга устунлик ҳолатини сақлаб туриши керак:

- эксперт фақат ахборотга ишлов бериш тизиминигина белгилайди;
- аудитор бу тизим ёрдамида шакллантирилаётган ҳисоботни ишончлилигини баҳолайди.

Аудиторлик ташкилоти текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботи тўғрисидаги фикрни ифода этиш ва шу фикр асосида тузилган аудиторлик хулосаси учун тўлиқ жавобгардир.

Текширувни ўтказишда эксперт аудиторга қуйидаги ҳолларда ёрдам кўрсатади:

- а) компьютер тизими ишончлилигини умуман баҳолашда;
- б) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг компьютер тизимида амал қилаётган бухгалтерлик дастурий таъминотининг сотиб олиниши қонунийлигини ва лицензион софлигини баҳолашда;
- в) ҳисоб-китоблар алгоритминини текширишда;

г) компьютерда аудитор учун зарур бўлган таҳлилий умумлашма ҳисоб-китоб ва ҳисобот регистрларини шакллантиришда.

Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг компьютер муҳотида ташкил этилиши аудиторнинг касбий таваккалчилигига таъсир кўрсатади. Бундай шароитда таваккалчилик ортиши ёки камайиши мумкин:

Компьютер бошқаруви умумий воситаларининг мақсади компьютер тизими устидан назорат чегараларини ўрнатиш ва ички назорат мақсадларига эришилганлигига мақбул ишонч даражасини таъминлашдан иборатдир.

Бошқарувнинг умумий воситалари қуйидагиларни ўз ичига олади (5-чизма).


Консолидациялашган молиявий ҳисобот маълумотларини электрон аудит қилганида аудитор компьютердаги маълумотлар устидан, ахборотларнинг чиқарилиши устидан назорат қай даражада ўрнатилганлигини аниқлаши шарт.

Компьютер маълумот файллари ва компьютер иши устидан назорат қуйидаги ҳолда аудитор томонидан ижобий деб топилиши мумкин:

- операциялар компьютер томонидан тўғри бажарилмоқда;
- операциялар йўқотилмаган, қўшилмаган, нусха кўчирилмаган ва ўзгартирилмаган;
- хатолар ўз вақтида тўғриланган ва бартараф этилган.

Ахборотларнинг чиқарилиши устидан назорат қуйидаги ҳолда аудитор томонидан ижобий деб топилиши мумкин:

- бажарилган натижалари аниқ;
- ахборотнинг чиқишида ундан бегона шахсларнинг фойдаланиши чекланган;
- ахборот уни олиш учун рухсатномага эга бўлган тегишли шахсга ўз вақтида берилган.



5-чизма. Компьютер бошқарувининг умумий воситалари таркиби¹⁷.

Компьютерга оид асосий суиистеъмолликлар қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлганда юз бериши мумкин:

компьютерга ёки терминалга бевосита кириш;

маълумот файлларига кириш;

- воситалардан шахсий мақсадларда фойдаланиш

имкониятларининг мавжудлиги;

tizimiy axborotning qulayligi;

компьютер дастурларига кириш имконияти.

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аудитор консолидациялашган молиявий ҳисобот маълумотларини электрон аудит қилишда, аввало, ўша миқдор корхонадаги маълумотлар базасининг қанчалик тўғри киритилганлигига, компьютер маълумотларининг қай даражада сақланаётганлигига эътибор бериши лозим. Бу текширув натижалари аудиторлик хулосаси ва ҳисоботида акс эттирилиши керак.

3-боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 3-бобида асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудитини такомиллаштириш йўналишлари белгиланди. Иқтисодиётнинг эркинлашуви, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви, ўз навбатида, мавжуд қонунчилик базасини доимий равишда такомиллаштириб боришни, уни халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни талаб этади.

Республикамиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида асосий воситалар ҳаракати аудитини ислоҳ қилиш республикамизда мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, халқаро стандартлар доирасида ташкил этиш ва юритишни талаб этади.

Асосий воситалар ҳаракати аудитини компьютер технологиялари асосида ташкил этиш фақатгина маблағ ва вақтнигина тежамасдан, қўлда олиниши қийин бўлган ахборотларни ҳам оператив олшига ёрдам беради. Бу ахборотлар асосан хўжалик юритувчи субъектнинг бутун стратегиясини, молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш йўллари аниқлашга тааллуқлидир. Компьютернинг ҳисоблаш қувватидан фойдаланиш натижасида ўтган ҳисобот даври маълумотлари асосида ҳисобот даврида хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти қандай йўл тутиши лозим, ҳамда ҳисобот давридан кейинги даврда раҳбарият қандай йўл тутиши лозимлиги ҳақида айтиб бериш мумкин.

Хулоса

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисобини юритиш тартиби ҳамда аудити ҳозирги кунда сезиларли даражада такомиллашган. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудит соҳасида амалга оширилган чуқур ислохотлар, уларнинг замонавий кўринишларининг амалиётга жорий этила бошлаши самараси қарок, республикамизда ҳали ҳам талайгина муаммолар борлиги эътибордан четда қолмайди. «Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМСнинг амалиётга тадбиқ этилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси янги таҳрирининг ишлаб чиқилиши хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерлари олдида дастлабки йилларда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Мазкур мавзу юзасидан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларнинг қабул қилиниши эса асосий воситалар аудитининг янги услубиятини ишлаб чиқилишини талаб этмоқда.

Шу билан биргаликда, аудит жараёнида асосий воситалардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичларига эътибор қаратилаётганлиги, шунингдек таҳлилда замонавий усулларнинг қўлланила бошланиши бу борадаги ишларни ҳам такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Мазкур илмий ишни ёзиш мобайнида асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари аудити борасидаги мавжуд камчилик ва муаммолар аниқланди. Қуйида биз бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлларини баён қилишга ҳаракат қиламиз.

1. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши муносабати билан республикамиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашаётган ҳозирги кунда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган тарзда, бозорларимизни халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, нисбатан арзон товар ва хизматлар билан таъминлаш жуда долзарб масала бўлиб турибди. Бунинг учун товар ва хизматлар қийматининг асосий қисмини ташкил этувчи таннархни пасайтириш зарурдир.

Асосий воситаларнинг реал фойдалилик даврини мувофиқлаштириб асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда эскириш ҳисоблашнинг илғор усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шу аёнки, амортизация ҳисоблашнинг жадаллаштирилган усулларини қўллаш хўжалик юритувчи субъектда мавжуд асосий воситалардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Республикамизда асосий воситаларга жадаллаштирилган амортизация ҳисоблаш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан кичик корхоналарга жорий этилади. Бизнинг фикримизча, ушбу тартиб барча хусусий корхоналарга ҳам қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки кичик бизнес ва хусусий корхоналар асосий восита объектларидан фойдаланишнинг илк йилларида кўпроқ самарага эришишни хоҳлайди.

2. Республикамиз иқтисодиётида амалга оширилган кенг қўламдаги ислохотлар асосий воситалар ҳисобида ҳам улкан ўзгаришлар бўлишига сабабчи бўлмоқда. Асосий воситалар ҳисобида энг катта ўзгариш, шубҳасиз асосий бойлик ҳисобланган ернинг асосий воситалар таркибига киритилишидир. Маълумки, ер табиат эҳсони ҳисобланади ва унга эскириш ҳисобланмайди.

Амалиётда ерни ҳисобга олиш бўйича бир қанча муаммолар мавжуд. Аввало, уларга бўлган мулкчилик ҳуқуқининг ўзгариши, бошқа активлар каби уларнинг қийматини харажатга ўтказиш керакми ёки йўқми каби саволлар шулар жумласидандир. Бизнинг фикримизча, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ерни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича махсус йўриқнома ишлаб чиқилиши лозим. Мазкур ишлаб чиқилиши лозим бўлган йўриқнома, бизнинг фикримизча, республикамизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларга ерни ҳисобда акс эттириш бўйича муаммоларини бартараф этилишида муҳим қадам бўлар эди деб қйлаймиз.

Асосий воситаларни мулк солиғига тортилиши юзасидан ҳам айрим таклиф мулоҳазаларни билдириш зарур. Негаки, бу борада ҳам қатор

муаммолар мавжуд. Асосий воситаларни мулк солиғи объекти сифатида олинишида уларнинг самарадорлигига умуман аҳамият берилмаган. Шунинг учун уларнинг даврий қайта баҳоланишлари ҳам битта объектни турлича даврда турли фарқланишларда солиққа тортилишига йўл қўйилмоқда. Биз бу борада асосий воситаларнинг рентабеллик кўрсаткичларига аҳамият бериш лозим, деб ўйлаймиз. Негаки, бу ҳолат харажатларга олиб бориладиган солиқларнинг фойдага таъсирини ҳам камайтирилишига имкон яратар эди.

Асосий воситаларнинг турлари бўйича солиқланишига ўрин берилса, унинг акс таъсирчанлик ва рағбатлантириш функциялари ошган бўлар эди, бу албатта ҳисоб ишларида ҳисоб-китобларни кўпайтирсада харажатларга олиб бориладиган солиқларнинг фойдага таъсирини камайтиради.

3. Асосий воситаларни ҳисобга олишда молиявий таҳлилнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги, асосий воситалар молиявий таҳлилининг асосий мақсади фойдаланувчилар учун ишончли ва объектив маълумотларни ошкор қилиши лозим эканлигини инобатга олган ҳолда, мулкдорлар, инвесторлар ўзлари корхона уставига киритган асосий воситаларининг ҳолати ва ҳаракати, уларнинг самарадорлиги ҳақидаги маълумотларга қизиқади.

Ушбу мақсадни инобатга олган ҳолда асосий воситалар таҳлилида асосий эътибор уларнинг рентабеллик даражасига қаратилиши лозим. Асосий воситалар рентабеллигининг ҳозирги кунда фақатгина битта тури амал қилади. Бизнинг фикримизча, асосий воситалар эскиришининг рентабеллигини ҳам амалда қўллаш лозим. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш лозим:

Соф фойда

АВ эскиришининг рентабеллиги=-----

АВ эскириш қиймати

Асосий воситалар эскиришининг рентабеллигини амалда қўллаш хўжалик юритувчи субъектларда бу турдаги активларни ўз вақтида янгисига алмаштириш хусусида маълумот мавжуд бўлишини таъминлайди.

4. Шуни таъкидлаш жоизки, асосий воситалар аудити аудитнинг энг муҳим объектларидан бири ҳисобланиб, аудитда ушбу объектнинг кўлами кенг ҳамда ушбу турдаги объектларга эскириш ҳисобланади ва ҳоказо. Умуман олганда, асосий воситалар аудитини ўтказишда асосий муаммо шундаки, ушбу турдаги объектларнинг бошланғич қийматини аниқлашда мавжуд ортиқча қийматларнинг кўплигидадир. Шу боисдан ҳам аудит ўтказилаётганида асосий воситалар қийматини адолатли баҳоланганлигини аниқлаш мақсадида доимо эксперт бўлиши лозим. Бизнинг фикримизча, асосий воситалар аудити ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотларида ушбу соҳани биладиган эксперт-аудитор иш ўрни мавжуд бўлиши керак. Агарда аудиторлик ташкилотларда ушбу таклиф қабул қилиниб, амалда қўлланилса, уларнинг аудит ишларини амалга оширишдаги вақти қисқариши, харажати камайиши ҳамда аудит иши сифати ошиши мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 404-сон.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 41-сон, 405-модда; 2007 й., 37-38-сон, 378-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг

устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. 26.11.2010., ПҚ-1438-сон.
www.lex.uz

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 Фармони.
www.lex.uz

1.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь. www.lex.uz

1.10. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи. www.lex.uz

1.11. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.

1.12. Каримов И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2014. 64 бет.

1.13. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазирамиздир. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. -Т.: “O`zbekiston”. 2015. -72б.

1.14. Каримов И. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг

йўл очиб беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. 88 б.

1.15. Арабян К.К. Организация и проведение аудиторской проверки: учеб. пособие. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 447 с

1.16. Булыга Р.П. Аудит: учебник для бакалавров. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 431 с.

1.17. Воронина Л. И. Аудит. Теория и практика. Учебник для бакалавров – М.: Омега-Л, 2011. 680 с.

1.18. Ерофеева В. А., Пискунов В. А., Битюкова Т. А. Аудит – М.: Юрайт, 2012. 640 с.

1.19. Карагод В. С. Аудит. Теория и практика. –М.: Юрайт, 2012. 6 стр.

1.20. Подольский В. И., Савин А.А. Аудит –М.: Юрайт, 2012. 592 стр.

1.21. Рогоуленко Т.М. Аудит. –М.: Юрайт, 2012. 540 с.

1.22. Сафонова М.Ф., Жминько С.И. Практический аудит. –М.: Феникс, 2012. 512 с.

1.23. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Теория аудита. –М.: Инфра-М, 2012. 272 с.

1.24. Суглобов А. Е., Жарылгасова Б. Т., Савин В.Ю., Бухгалтерский учет и аудит – М.: Титан эффект, 2012. 520 с.

1.25. Суйц В.П, Ситникова В.А. Аудит: учебное пособие. - 2-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2010. – 168 с.

1.26. Ситнов А.А. Операционный аудит: теория и организация. Учебное пособие. –М.: Высшее образование, 2011. 240 с.

1.27. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Практический аудит. –М.: Инфра-М, 2012. 192 с.

1.28. Хоханова И. И., Хахонова Н. Н., Богатая И. Н. Аудит – М.: Мини Тайп, 2011. 464 с.

1.29. Черных М.Н., Юдина Г.А. Основы аудита: учебное пособие. – 4-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2011. – 352 с.

1.30. Юдина А.В. Основы аудита: учебное пособие. – М.:Кнорус, 2011. – 352 с.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

1.1. Авлоқулов А.З. Молиявий ҳисобот жозибадорлигини оширишнинг хорижий тажрибаси. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2015. №1. 41-45-бетлар

1.2. Илхамов Ш. Ички назорат тизими – аудиторлик текшируви жараёнининг асосий элементи // Молия. – Тошкент, 2010. – №1. 90-92 бетлар.

1.3. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2009. – 34 б.

1.4. Тураев А.К. Ўзбекистонда ички аудитни такомиллаштириш йўналишлари: Иқт.фан.ном. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2012. – 22 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 2010-2015 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

3.2. <http://www.audit.uz>.

3.3. <http://www.gov.uz>.

3.4. <http://www.lex.uz>.

3.5. <http://www.mf.uz>.

3.6. <http://www.uza.uz>.

Асосий воситалар аудитининг дастури

Т.р.	Аудиторлик тадбирлари (муолажалари)нинг рўйхати	ўтказиш даври	Ижрочилар	Аудиторнинг ишчи хужжатлари
1	2	3	4	5
1.	Асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишининг аудити	Йил да- вомида	Аҳмедов З.Д. Ким А.А.	
1.1.	Асосий воситаларни қабул қилиш бўйича комиссиялар тузилганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Аҳмедов З.Д.	Буйруқлар, фармойишлар
1.2.	Асосий воситаларни сотиб олиш-сотиш шартномалари расмийлаштирилганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Ким А.А.	Шартномалар, келишувлар
1.3.	Келишув нархлари бўйича баённомалар расмийлаштирилганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Аҳмедов З.Д.	Баённомалар, келишувлар, буйруқлар
1.4.	Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаларида уларнинг дастлабки қиймати тўғри акс этилганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Ким А.А.	Қабул қилиш-топшириш далолатномалари, инвентар варақалар, рўйхатга олиш дафтарлари
1.5.	Объектлар қуриб битказилгани ва жиҳозлангани ёки тиклаш ва қисман тугатилганидан кейин уларнинг дастлабки қиймати тўғри акс этирилганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Аҳмедов З.Д.	Лойиҳа-смета хужжатлари, буйруқлар, инвентаризация да-лолатномалари
1.6.	Корхона бухгалтериясида асосий воситаларнинг синтетик ва таҳлилий ҳисоби ва улардан фойдаланиладиган жойларда моддий жавобгар шахсларнинг ишлари қандай ташкил этилганлигини баҳолаш	Ҳар чорақда	Ким А.А.	Дастлабки хужжатлар, ҳисоб регистрлари, ҳисоб сиёсати

1.7.	Корхонада асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби бўйича амал қилинаётган тартибни текшириш ва баҳолаш	Ҳар чорақда	Аҳмедов З.Д.	Ҳисоб сиёсати, буйруқлар, сметалар, ҳисоботлар
1.8.	Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаларини текшириш	Опера-циялар содир этилган сари	Ким А.А.	Буйруқлар, далолатномалар, инвентаризация ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари
1.9.	Асосий воситаларнинг охириги инвентаризация натижаларини текшириш	Йил да-вомида	Аҳмедов З.Д.	Инвентаризация ҳужжатлари, дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари
1.10	Корхона бухгалтерияси томонидан асосий воситалар бўйича ҳисоб варақалари ва белгиланган моддий жавобгар шахслар бўйича инвентаризация рўйхатлари юритилиши тартиби билан танишиш	Ҳар чорақда	Ким А.А.	Ҳисоб варақалари, инвентаризация ҳужжатлари, буйруқлар, моддий жавобгарлик бўйича шартномалар
1.11	Корхона бухгалтерияси амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Аҳмедов З.Д.	Буйруқлар, фармойишлар
1.12	Мавжуд асосий воситалар ҳисоботда акс этирилганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Ким А.А.	Ҳисобот шакллари
2.	Асосий воситалар ҳаракатининг аудити	Йил да-вомида	Аҳмедов З.Д. Ким А.А.	
2.1.	Низом капиталига ўтказилган бадаллар бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Аҳмедов З.Д.	Буйруқлар, қабул қилиш далолатномалари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари
2.2.	Низом капиталига бадал сифатида киритилаётган асосий воситалар тўғри баҳоланганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Ким А.А.	Баҳолаш услублари, таъсисчилар мажлисининг баённомалари

2.3.	Асосий воситалар Низом капиталига таъсисчилар бадаллари сифатида амалда киритилганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Аҳмедов З.Д.	Буйруқлар, да-лолатномалар, счетлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс
2.4.	Таъсисчилар билан ҳисоб-китоб қилинганда асосий воситалар амалда тугатилганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Ким А.А.	Далолатномалар, буйруқлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс
2.5.	Асосий воситалар ҳаракати ҳисоботда акс этилганлигини текшириш	Ҳар чорақда	Ким А.А.	Ҳисобот шакллари
3.	Эскириш тўғри ҳисобланганлигини текшириш	Йил да-вомида	Аҳмедов З.Д. Ким А.А.	
3.1.	Асосий воситалар бўйича ҳар ойда эскириш тўғри ҳисобланганлигини текшириш	Ҳар ойда	Аҳмедов З.Д.	Маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс
3.2.	Эскириш ҳисобланмайдиган асосий воситалар объектларини текшириш	Ҳар ойда	Ким А.А.	Маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, ҳужжатлар
3.3.	Тезлаштирилган эскириш ҳисобланадиган асосий воситалар объектларини текшириш	Ҳар ойда	Аҳмедов З.Д.	Ҳисоб-китоблар, маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, сметалар
3.4.	Низом капиталига бадаллар сифатида киритилаётган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскиришни акс этувчи ҳужжатларини текшириш	Низом капиталига киритилиши бўйича	Ким А.А.	Директорлар Кенгашининг қарорлари, акциядорларнинг йиллик мажлис қарорлари
3.5.	Асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланишининг бошланиши ва тугатилиши муддатларини текшириш	Ҳар ойда	Аҳмедов З.Д.	Баённомалар, маълумотномалар, ҳисоблар, далолатномалар, баланс, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, пул оқимлари тўғрисида маълумотлар
3.6.	Ҳисоботда асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланиши акс этилганлигини текшириш	Ҳар чорақ	Ким А.А.	Ҳисобот шакллари
Аудиторлик ташкилоти раҳбари Аудиторлик гуруҳи раҳбари		Фаттохов А.А. Абдуллаев Д. С.		

Асосий воситалар ҳисобининг текширувига оид саволнома

Т.р.	Текширув учун саволлар	Аудит манбалари	Текширув натижалари		Изоҳ
			Ҳа	Йўқ	
1	2	3	4	5	6
1.	Корхонада мавжуд бўлган асосий воситалар: а) хусусий б) ижарага олинган	Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)			
2.	Корхонада мавжуд бўлган асосий воситалар: а) фойдаланишда; б) қайта тиклашда; в) заҳирада.	Титул рўйхати, лойиҳа-смета ҳужжатлари; инвентар варақалар (АВ-6 шакли), 0100, 0820-сонли ҳисоб-варақлар гуруҳига оид маълумотлар			
3.	Асосий воситаларни қабул қилиниши ва бухгалтерия ҳисобида тўғри қайд этилишини текшириш: а) капитал қўйилмалар: - капитал курилиш; - бошқа корхоналардан ёки шахслардан пулга сотиб олинган; б) бепул олинган; в) таъсисчиларнинг улуш сифатида Низом капиталига қўйилмалар; г) молиялаштирилган лизинг шартномаси бўйича олинган	Сотиб олиш-сотиш шартномалари, таъсис шартномаси, хатлар, баённомалар, 0100, 0300, 0820-сонли счетлар гуруҳи маълумотлари, капитал курилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари, лизинг шартномаси ва бошқалар			
4.	Эскиришни ҳисоблаш бўйича амалдаги усул: а) тўғри чизикли; б) ишлаб чиқариш; в) кумулятив; г) камайиб боровчи қолдиқ усули	Корхонанинг ҳисоб сиёсати			
5.	Эскириш меъёрлари асосий воситаларнинг турлари бўйича тўғри қўлланилганми?	Солиқ Кодекси, инвентар варақалари, асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш қайдномаси			
6.	Инвентар варақаларида эскириш ҳисобланишининг тугатиш санаси кўрсатилганми?	Инвентар варақалар			
7.	Эскириш ҳисобланиши ўз	Инвентар варақалари, асосий			

	вақтида тўхтатиладими?	воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш қайдномаси			
8.	Асосий воситаларни қайта тиклаш бухгалтерия ҳисобида тўғри қайд этилганми?	Лойиҳа-смета ҳужжатлари, титул рўйхати, пудрат ишлари бўйича шартнома, носозликлар бўйича қайднома, наряд-буюртмалар			
9.	Ижарага олинган асосий воситалар ҳисоби тўғри юритиладими?	Ижара шартномаси, журнал-ордер маълумотлари			
10.	Асосий воситаларнинг чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этилганми? а) тугатилган; б) сотилган; в) Низом жамғармасига қўйилган; г) бепул берилган; д) молиялаштирилган лизинг шартномаси бўйича берилган;	Баённомалар, хатлар, таъсис шартномаси, сотиб олиш-сотиш шартномаси, ижара шартномаси, асосий воситалар тугатилиши тўғрисидаги далолатнома (АВ-3, АВ-4 шакллари)			
11.	Асосий воситалар инвентаризацияи ўз вақтида ва тўғри ўтказилганми?	Буйруқ, инвентаризация далолатномаси, солиштириш қайдномалари			
12.	Инвентаризация натижалари бухгалтерия ҳисобида тўғри қайд этилганми?	Солиштириш қайдномаси, моддий жавобгар шахсларнинг тушунтириш хатлари ва мажбуриятлари, дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари			
13.	Корхонада лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар мавжудми? а) оператив ижара; б) уўқ муддатли ижара; в) лизинг	Лизинг ва ижара тўғрисида шартнома			
14.	Балансдаги маълумотлар таҳлилий ҳисоб маълумотларига мос келадими?	Инвентар варақалар ва моддий жавобгар шахслар бўйича инвентар рўйхатлари, моддий жавобгар шахслар ва умуман корхона бўйича инвентар рўйхатлар, Бош китоб бўйича асосий воситалар счетларининг қолдиғи, Бош китоб бўйича асосий воситалар счетларининг қолдиғи			
15.	Корхонада сотиб олинган асосий воситалар бўйича қопланмаган мажбуриятлар мавжудми?	Журнал-ордер маълумотлари; бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)			

16.	Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун ўз вақтида ва тўлиқ киритилганми?	Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл), мулк солиғини ҳисоблашга оид қайдномалар			
17.	Эскириш коэффициенти бу маълум бир санага асосий воситалар бўйича эскиришнинг уларнинг дастлабки қийматига нисбати	Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)			
18.	Яроқлилик коэффициенти – бу асосий воситалар қолдиқ қийматининг бошланғич қийматига нисбати	Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)			
19.	Асосий воситаларнинг рен-табеллилиги – бу фойданинг асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати	Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)			